



Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддаси.

ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHONSEN SEN

Хабар

38
(783)-son

21-sentabr

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

• Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! •

Micron Technology Inc., Nokia, Samsung Electronics, Sony Ericsson, Spansion Inc., STMicroelectronics ва Texas Instruments компаниялари кўча хотира карталарининг янги хусусиятларини ишлаб чиқиш учун кучларни бирлаштиришди.

Маълумки, ҳозирда турли стандарт ва ҳажмга эга кўплаб хотира карталари мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда уларни ишлатиш учун махсус мосламалардан фойдаланишга тўғри келади. Лойиҳада қатнашаётган компаниялар мазкур муаммога барҳам бериш ва мобил телефон, рақамли фотокамералар ва бошқа портатив қурилмалар учун бирдек мос келувчи ягона универсал хотира картаси (Universal Flash Storage, UFS) ишлаб чиқишмоқчи.

Лойиҳани 2009 йилда ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.

Ушбу сонда:

**АСХХ АЛОҚА
ИҚТИСОДИЁТИ
БЎЙИЧА
КОМИССИЯСИНING
20-ЙИФИЛИШИ
2-БЕТ**

**ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
НАМОЙИШИ**

4-БЕТ

**КОНКУРС
ПРОГРАММИСТОВ**

6-БЕТ

**ИНТЕРНЕТГА
УЛАНГАН
БЎЛСАНГИЗ...**

11-БЕТ

**АДИБ
ХОТИРАСИГА
ЭХТИРОМ**

16-БЕТ



“МОБИЛ СКЛЕРОЗИ”

ёки соғлиғимиз ўз кўлимизда

Ҳаётингизда мобил телефон қанчалик аҳамиятга эга, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Унда бир уриниб кўринг-чи: уй телефонингиз рақамини ёки яқинларингизнинг туғилган кунлари саналарини аниқ билармикинсиз?..

3-БЕТ

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Матбуотда “Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

✓ Тошкентда 18 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриши ва ўтказишга доир тадбирлар календар режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани ҳам ўтказилди.

✓ Матбуотда “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги, “Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ва “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номилари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари чоп этилди.

✓ Пойтахтимизда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, пахта бўйича Халқаро маслаҳат кўмитаси, бу соҳада энг нуфузли нашр — “Cotton Outlook” журнали, шунингдек, “Ўзпахтасаноат” уюмиси ва “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг салкам 40 мамлакатидagi 250та компаниянинг 450дан зиёд вакиллари иштирок этди.

✓ Сайдо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-ресурс марказида “Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди” нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳудудида фондининг бешта бош йўналиши — соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий кўмак, ижтимоий инфратузилма ва экология бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар тақдимот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

✓ Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Сервис ва туризм: бошқариш ва ривожлантириш муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда республикамиз ва чет эл олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, бир қатор туристик фирмаларининг вакиллари қатнашди.

Икки кунлик анжуманда хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.



2007 йилнинг 11 сентябр куни Самарқанд шаҳрида Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамкорлик (АСХХ) алоқа иқтисодиёти бўйича комиссиясининг 20-йиғилиши ўз ишhini бошлади. Унда Озарбайжон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия ва Ўзбекистон алоқа маъмуриятлари ҳамда АСХХ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди. Бундан ташқари, йиғилиш ишида АСХХ иштирокчи давлатларининг алоқа ва ахборот-

лаштириш масалалари бўйича кўрсатилган мамлакатлар регуляторлари вакиллари, почта алоқаси операторлари ва электралоқа соҳаси вакиллари қатнашди.



АСХХ АЛОҚА ИҚТИСОДИЁТИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИНING 20-ЙИГИЛИШИ

Йиғилишнинг биринчи кунини АСХХ Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги 38-йиғилишига тайёрланаётган бир қатор жумладан, АСХХ устав фаолияти доирасида ижро этилаётган ҳамда аъзолик бадаллари ҳисобидан молияланадиган тадбирлар рўйхати лойиҳаси ва уларни бажариш қиймати; НИОКРни ташкил этиш ва бажариши молиявий таъминлаш механизмининг такомиллаштириш, АСХХ молиявий маблағлари тўғрисидаги Низомга ва АСХХнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Шу муносабат билан АСХХ алоқа иқтисодиёти бўйича комиссияси Ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган АСХХнинг меъёрий ҳужжатларига киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақидаги таклифлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек АСХХга аъзо мамлакатлардаги алоқа соҳаси фаолияти-

нинг энг долзарб масалалари бўйича тажриба алмашишга оид масалалар туркуми ҳам кўриб чиқилди. Жумладан: алоқа хизматларининг монополлаштирилиши даражаси ва алоқа хизматлари бозорини либераллаштириш тўғрисида, АСХХ алоқа маъмуриятларида АКТ фаолиятини лицензиялаш, почта алоқаси соҳасида инфокоммуникацион технологияларни қўллаш тўғрисидаги масалалар.

Йиғилишда алоқа соҳасидаги тариф сиёсати оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Алоқа хизматлари бўйича тарифларни тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ўзгартириш, умумфойдаланиш алоқа хизматлари ва шу хизматлар бўйича ҳисобкитобларга оид тарифларни тартибга солиш тажрибаси, IP-телефония хизматлари бўйича тарифларни шакллантириш тажрибаси ва янги авлод хизматлари мажмуаси учун тарифларни шакл-

лантириш тамойиллари тўғрисидаги масалалар шулар жумласидандир.

Комиссия кун тартибидagi масалаларни муҳокама этиш натижасида йиғилиш иштирокчилари ўз Алоқа маъмуриятлари мутахассислари эътиборига бошқа АСХХ Алоқа маъмуриятларининг иш тажрибаси ҳақидаги маълумотларни етказиш, заруратга қараб улардан фойдаланиш имконига эга бўлди.

2007 йил 12 сентябрда Комиссия ўз ишhini давом эттирди, «МДХ давлатларида АКТ соҳасида бизнес муҳит, инсон капитали ва давлат томонидан тартибга солишни тавсифловчи кўрсаткичлар ва мазкур кўрсаткичларни тўлдирish услуби» НИР ижроси якунилари ва бошқа масалаларни кўриб чиқди, АСХХ Комиссиясининг алоқа иқтисодиёти бўйича навбатдаги йиғилиши иш режасини тузиб чиқди.

Элбек ДОЛИМОВ

● 2007-YIL — IJTIMOIIY HIMOYA YILI

Филиал ҳомийлигида

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан “Самарқанд Телеком” филиали томонидан қабул қилинган дастур ва режаларнинг бош мақсади — соҳа ходимлари турмуш шароитини янада яхшилашдан иборат.

Филиал ҳомийлигида шу пайтгача 150 киши Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги театрда спектакл томоша қилишди. Бугунги кунда ишлайдиган икки ва нафақадаги 4 нафар меҳнат фахрийсига санаторияларга йўлланмалар берилди. Кўп болали, кам таъминланган oilаларнинг ҳамда қаровчисини йўқотган ёлғиз пенсионерларнинг 4 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлардан 62 нафари бепул

телефон алоқаси билан таъминландилар.

Ургут тумани “Ғуслик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудининг четка қишлоғида яшовчи 91 ёшли Жалол бобо Рустамов билан телефон орқали боғландик.

Жалол бобо кекса ва ногиронлар аҳволини ўйлаб, бу йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилган давлатимиз раҳбаридан ва бепул телефон алоқаси билан таъминланган вилоят ва туман телекоммуникациялар боғламаси мутасаддиларидан жуда миннатдор эканлигини баён этди.

Вилоят алоқа корхоналари ўртасида волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика ва кўп кураш мусобақалари бўйича босқичма-босқич спартакиадалар ўтказилди.

Абдуғафур ХОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд
вилоятидаги муҳбири

AKT VA ZAMON



«МОБИЛ СКЛЕРОЗИ»

ёки соғлигимиз ўз қўлимизда



(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Буюк Британиянинг Puzzler Brain Trainer журнали ана шу йўсинда 3000 киши ўртасида сўров ўтказди. Натижа эса қуйидагича бўлди: катнашчиларнинг 25 фоизи уй телефонлари рақамини, 66 фоизи эса кўпича яқинлари ва дўстларининг туғилган кунларини унутиб қўйишларини тан олишган. Аммо асосийси бу эмас. Гап шундаки, хотираси сустлаш орасида 50 ёшдан ўтганларга қараганда 30га ҳам тўлмаганлар кўпчилики ташкил этган. Тадқиқотчилар бу муаммонинг келиб чиқишида, айниқса, ёшлар орасида кўпроқ урф бўлган мобил телефонни сабабчи қилиб кўрсатишган. Puzzler Brain Trainerда ёзилишича, замонавий уяли алоқа воситалари терминаллари ўз хотирасида каттагина ҳажмдаги ахборотни сақлай олади, табиийки, улардан фойдаланувчилар (айниқса ёшлар) ўз-ўзидан ҳатто энг оддий нарсаларни ҳам ёдда тутиш таъшишидан "кутуладилар". Буни сўровда катнашганларнинг 66 фоизи тасдиқлаган: улар муҳим саналар ва бошқа зарур учрашувлар ҳақидаги маълумотларни одатда уяли телефон ёки портатив компьютер хотирасида сақлашга одатланган экан.

Журнал берган статистика маълумотларига кўра, замонамиз кишиси, ўртача ҳисоблаганда, шахсий компьютерларга тааллуқли 5та код, ўз кредит карточкаларининг 5та коддини, автомобилларга доир 2та давлат белгисини, 3та шахсни тасдиқловчи ҳужжат рақамини ҳамда 3та банкдаги ҳисоб рақамини ёдда тутиши зарур.

"Баъзи бировлар бунинг осон йўли сифатида технологиялардан фойдаланяпти" — дейди когнитив технологиялар бўйича эксперт, Дублин (Ирландия)даги Тринити коллежининг психология профессори Ян Робертсон сўровнома натижаларига баҳо берад экан. — "Электрон хотира"нинг турли кўринишлари ихтиро қилиб бўлинганидан сўнг миямиз фа-

қат бир нарса учун, яъни ушбу электрон "гаджет"ларнинг айнан қайси бирида керакли ахборот сақланганлигини эслаш учун ишлайди, холос".

Мазкур "гаджетлар" аслида ҳам бизнинг имкониятимизни илгари ақл бовар қилмайдиган даражада кенгайтиряптими? Масалан, TV-пултни одам кўлини "истаган жойга" етказувчи, флэш-карталарни эса хотирани кенгайтирувчи мослама; уяли телефонни, агарда унинг бутун амалиётлари назарда тутилганда, миянинг ҳақиқий экзопротези сифатида қабул қилиш мумкин деген балки; унда интернетга ула-нишнинг кенг полосали тизими инсон асаб тизимининг янги, қўшимча функциялар ҳисобига кенгайиши деб тушунасак ҳам бўлаверади. Кейинчи, ҳўш, бундан кейин нима бўлади?

Бу ҳақда роппа-роса 50 йил аввал, телевидение асрининг истиқболида социолог Маршал Маклюен шундай ёзганди: "Биз инсон имкониятлари кенгайишининг ақунловчи босқичи — тафаккурнинг технологияси таъсирларга тушиши босқичига жуда тез яқинлашяпмиз, бунда англашнинг ижодий жараёни жамоавий ва корпоратив равишда бутун инсоният жамияти даражасида, яъни худди илгаридек, ҳиссийларимиз ва асаб тизимимиз турли коммуникация воситалари ёрдамида кенгайишда давом этади".

Инсон хотирасининг "бузилиши"да фақат мобил телефонлар айбдор эмас экан. Австралиялик олимлар телевизор қаршида ҳам камроқ ўтиришни тавсия қилишяпти. "Телевизорни ўчириш ёки ҳеч бўлмаганда уни камроқ кўриш", дейишади тадқиқотчилар кунига бир соатдан кам телевизор кўрганлар эслаш қобилияти бўйича машқларни яхшироқ удрдаланганларини назарда тутиб. Аммо телевикториналар ва янгиликлар дастурлари ақлий қобилиятга ижобий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Хотира ёмонлашувиға қарши

курашишнинг энг оддий усули — кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат миқдори ва сифатини доимий назорат остига олиш ҳисобланаркан.

Psychology Today илмий журна-лида ақлий қобилиятнинг ривожланишига, шу жумладан, хотиранинг яхшиланишига замин ҳозирловчи озиқ-овқат маҳсулотларига бағишланган мақола чоп этилди. Тадқиқотчилар **кљювка** (қизил, нордон мева) инсон ақлий қобилиятига энг яхши таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашяпти. Унинг таркиби кислороднинг эркин атомлари билан таъсирга киришувчи антиоксидантларга жуда бой. Каламушлар устида ўтказилган тажрибалар кўрсатишича, асосан кљюквандан ташкил этилган пархез хотиранинг яхшиланишига, шунингдек, кексайганда таянч-ҳаракат тизимининг барқарор ишлашини таъминлашга хизмат қиларкан.

Кейинги ўринда **черника** турбиди. У ҳам деярли кљювка сингари хусусиятларга эга, фақат унда антиоксидантлар миқдори озроқ. Аммо унинг таркибида кўз нуруни янада равшанлаштирувчи моддалар кўпроқ.

Учинчи ўрин йирик баргли **лавлаг**и ва **карам** ўртасида тақсимланган. Бу сабзавотлар таркибидаги моддалар Алцгеймер касаллиги (ўрта ва кекса ёшларда ривожланувчи, хотиранинг йўқолиши, киши фель-атворидидаги ўзгаришларга, диққатни жамлай олмаслик каби салбий оқибатларга сабаб бўлувчи касаллик)га ва когнитив функция (ташқи ахборотни онгли қабул қилишнинг пасайишига олиб келувчи ферментларга барҳам беради.

Ёгли балиқ ҳам "ақлий таомнома" рўйхатининг тепасидан жой олган. Жумладан, **лосос**, **сардина** ва **селд** балиқларида кўп учровчи ёғ кислоталари зарарли ферментларнинг ашаддий қушандиси саналади. Ҳафтасига бир марта ёгли балиқ истеъмол қилиб туриш Алцгеймер касаллигига чалинши эҳтимолини анча камай-тириши тадқиқотлар давомида маълум бўлди.

Фахрли бешликка **исмалоқ** ҳам киритилган. Олимлар исмалоқнинг кексайиш пайтида пайдо бўлувчи асаб тизимига доир муаммоларга, шунингдек, ёшларнинг билим олиш қобилиятида бузилишларнинг юзага келишига тўсик бўлишини аниқлашган.

Хуллаs, ҳаётимизнинг бир маромада ўтишини таъминловчи асосий омиллардан бири — соғлигимиз, доим таъкидланганидек, ўз қўлимизда. Юқорида тилга олинган ахборот узатувчи замонавий воситалар аслида соғлигимизга путур етказишга эмас, аксинча мушқуллимизни янада осон қилиб, турмушимиз фаровонлига хизмат қилиши лозим. Бунинг учун ҳаётда оддий қонун-қоидалар ва меъёр сингари мезонлар ҳам борлигини унутмасак бўлгани.

Собит АҲАДОВ



«Келаҷак овози» — нурли истиқбол

Навоий шахридаги «Фарҳод» маданият саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Келаҷак овози» республика ёшлар кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Иқтидорли ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмаклашиш, салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун моддий ва маънавий имконият яратиш мақсадида уч йилдан буён ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов йилдан-йилга бойиб бормоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши раиси Жаҳонгир Саримсоқов. — Унда иштирок этишни хоҳловчилар сафи ҳам ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили туман ва шаҳарлардан 700та ҳужжат топширилган бўлса, жорий йилда 3 мингга яқин йигит-қизлар танлов иштирокчисига айланди. Жумладан, тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича 271та, ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича 93, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар йўналиши бўйича 73, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар йўналиши бўйича 187, архитектура ва дизайн йўналиши бўйича 204, бадий ижод йўналиши бўйича 286, спорт йўналиши бўйича 800та ижодий иш тақдим этилди.

Ғолиблик шохсупасига чиқиш эса билимдон ва истеъдодли ёшлардан 39 нафарига насиб этди. Улар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги мухбири

● KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

Тажриба алмашишди



Яқинда Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг бир гуруҳ фаоллари Самарқанд шаҳрига таширф буюрдилар.

Таширф давомида меҳмонлар Самарқанд вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда бир қатор бошланғич кўмиталарнинг иш фаолияти билан танишдилар. Кўмиталарда ташкилий-оммавий ишлар, жамоа шартномалари тузиш, қабул қилиш ва бажарилишини назорат қилиш тартиблари, миллий гоё тариготи, маънавий-маърифий ишларнинг қай даражада олиб борилаётганлиги борасида тажриба алмашдилар. Алоқа қорхоналаридаги спорт-соғломлаштириш хоналари ва майдончаларини, уларнинг жиҳозланиши, бу борада олиб борилаётган тадбирларни катта қизиқиш билан кўздан кечириб, ишлар юксак даражада ташкил этилганлигини таъкидладилар.

Ўтказилган давра суҳбатларида Самарқанд ва Тошкент вилоятлари бирлашган алоқа ходимлари касаба уюшмаси кўмита раислари Толиб Раҳматов ҳамда Юнус Ғафуровлар ҳаммасларининг қизиқтирган барча саволларига жавоб беришди. Меҳмон ва мезбонлар бир-бирларига эсдалик совғаларини топширишди.

Тошкентлик меҳмонлар яқиндагина ўзининг 2750 йиллик шодиёнасини нишонлаган, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг бетакдор ёдгорликлари — Регистон майдони, Шоҳи-Зинда, Амир Темур ҳамда Бибиҳоним мақбаралари, Имом ал-Бухорий мажмуини зиёрат қилиши, мустақиллик йилларида бунёд этилган кўллаб янги иншоотларни томоша қилдилар.

Ҳ.АБДУҒАФУРОВ

XALQARO HAYOT

МУДДАТИДАН
ОЛДИНГИ САЙЛОВ

Грецияда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилди.

Амалдаги олий ҳокимият органининг муддати тугашига олти ой қолганда мамлакат бош вазири Костос Караманлис умумхалқ сайлови ўтказилишини маълум қилганди. Сайловда мамлакат аҳолисининг ўн миллион нафарга яқини иштирок этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, амалдаги бош вазир партияси яна кўпчилик овозини олиши кутиляпти. Сабаби, Костос Караманлис ҳукумат тўпасига келганидан сўнг давлат бюджетидagi тақчиллик сезиларли камайди, ишсизлар сони нисбатан қисқарди. Шунингдек, иқтисодиётда сезиларли ўсишга эришилди.

лис ҳукумат тўпасига келганидан сўнг давлат бюджетидagi тақчиллик сезиларли камайди, ишсизлар сони нисбатан қисқарди. Шунингдек, иқтисодиётда сезиларли ўсишга эришилди.

ХИТОЙДА
КУЧЛИ ТЎФОН

Хитойнинг жанубий ҳудудлари "Випа" тўфони остида қолди. "Синхуа" ахборот агентлигининг хабарларига кўра, шомолнинг тезлиги сониясига 45 метрга етган.

Қирғоққа яқин жойлардан қарийб бир миллион одам хавфсиз жойларга кўчирилган. Олти шаҳардаги мактабларда машғулотлар тўхтатилган. Табиий офатга қарши 20 миғ ҳарбий хизматчи жалб қилинган.

ЖАНГАРИЛАР
ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Афғонистон полицияси томонидан 23 нафар жанубий корейликни гаровга олишда иштирок этган толибларнинг уч нафар етакчиси йўқ қилинди.

"Ассошиэйтед пресс" агентлигининг мамлакат ички ишлар вазирлиги вакили сўзларига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, ўтган жума куни Газна музофотида жангариларни йўқ қилиш бўйича махсус ҳарбий амалиёт ўтказилган ва жангарилардан уч нафари йўқ қилинган.

БОЛАЛАРГА
ЁРДАМ ЗАРУР

Сомали ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини тезлик билан мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.

Ички ишлар вазири Мухаммад Махуд Гулининг таъкидлашича, мамлакатда инфляция рекорд даражага етган, озиқ-овқат маҳсулотлари тугаш арафасида. Марказий ва жанубий туманларда юз берган қурғоқчилик тўғрисида галла ҳосили жуда паст бўлган. Этник можаролар ҳам қишлоқ ҳўжалигига

жиддий зарар келтирган.


ЮНИСЕФ вакиллари мамлакатга зудлик билан озиқ-овқат етказиб берилмаса, шимолий туманлардаги минглаб болалар очликдан вафот этиши мумкинлигини айтишмоқда.

СОБИҚ РАХБАРНИНГ
ЭЪТИРОФИ

АҚШ Федерал заҳира хизматининг собиқ раҳбари Алан Гринспен ёзган мемуар китобдаги маълумотлар катта шов-шувга сабаб бўлмоқда.

Сабаби, Гринспен яқинда сотувга чиқарилган ушбу китобда Ироққа қарши уруш нефт учун бошланганини таъкидлаган. Муаллифининг билдиришича, Саддам Хусайн тузуми Яқин Шарқдан етказилаётган нефт хавфсизлигига таҳдид қилган, шу боис ҳам Ироқ уруши бошланган. Шунингдек, китобда Жорж Буш маъмуриятининг иқтисодиёт соҳасида олиб бораётган сиёсати ҳам қаттиқ танқид остига олинган.

Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакили Гринспеннинг Ироқ уруши бора-сидаги фикрларини кескин рад қилди.

ЕИ МУТАХАССИСЛАРГА
МУҲТОЖ

Европа Иттифоқи Африка ва Осиёдан малакали мутахассисларни Европага жалб қилиш учун "Blue Card" тadbирини қўллашни режалаштирмоқда.

Мазкур тadbирга кўра, хорижлик малакали мутахассислар ЕИга икки йил муддатга тақлиф этилади. Кейин бу муддат беш йилга узайтирилади. Шундан сўнг муҳожирлар Европа уйида доимий яшаш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Бугунги кунда Европа Иттифоқида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж тинимсиз ўсиб бормоқда. Айниқса, Иттифонинг Италия, Германия ва Венгрия каби мамлакатларида аҳолининг кексайиши оқибатида ишчи кучларининг етишмовчилиги сезилиб қолмоқда. Шу боис, бу давлатларга муҳожирлар оқими кучаймоқда.

Аммо уларнинг 85 фоизини маълум малака ва мутахассисликка эга бўлмаган шахслар ташкил этади. Ушбу ҳолатни камайтириш учун ҳам "Blue Card" тadbiri жорий этилади.

Европа Иттифонининг адлия масалалари бўйича комиссари Франко Фраткининг айтишича, ЕИга келаятган муҳожирлар оқимидан чўчмаслик керак. Аксинча, улардан мутахассисликка қараб унумли фойдаланиш лозим. Комиссарнинг тахминларига кўра, яқин 20 йил ичида Европа Иттифоқида 20 миллион хорижлик мутахассис керак бўлади.

18-21 сентябр кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павилионида "Телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари – InfoComExpo Uzbekistan 2007" халқаро кўргазмаси ташкил этилди.

Янги технологиялар
намойиши

Саккизинчи бор ўтказилаётган InfoComExpo Uzbekistan 2007 кўргазмаси Ўзбекистондаги йирик ва ўрта бизнес ташкилотлари АТ-бўлинмаларининг мутахассислари ҳамда етакчи хорижий АКТ компанияларининг вакиллари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатадиган ва тажриба алмашадиган майдонга айланган. Ҳар йили кўргазма алоқа тизимлари ва алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчилар, алоқа операторлари, ихтисослаштирилган ускуналар ва дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиради. Шунингдек, ўз маҳсулотини Ўзбекистон бозорига олиб киришни режалаштираётган ёки мамлакат ахборот-коммуникация технологиялари тармоғига инвестиция қилишга тайёр турган хорижий компаниялар учун ҳам қулай имконият яратди.

InfoComExpo Uzbekistan 2007 кўргазмасида ахборот технологиялари бозоридagi энг сўнги ютуқлар ва янгиликлар намойиш қилинди. Илк мартаба тadbир доирасида "Телевидение ва радиоэшиттиришлар" номидаги янги экспозиция очилди. Шунингдек, кўргазма доирасида қўйидаги бўлимлар иш олиб борди:

- Симли телекоммуникация технологиялари;
- Симсиз телекоммуникация технологиялари;
- Ахборот технологиялари ва тизимлари;

ISM SYSTEMS



- Банк тизимлари;
- Пластик ва электрон карталар;
- Хавфсизлик тизимлари;
- Ахборотни ҳимоялаш тизимлари;

Ўқув ва ахборот марказлари. Кўргазмада мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда Япония, Хитой, Италия, Венгрия, Россия, Қозғистон, Туркия каби давлатларнинг телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи компаниялари қатнашди.

Россия вакиллари билан алоқа ускуналарини тақдим этувчи «ИНФОРМ-ТЕХНИКА» компаниялари гуруҳи ҳамда узатгич ва антенна қурилмалари етказиб берувчи «Иртыш» компаниялари кўргазмаси кўпчилик диққатини ўзига жалб қилди.

Маҳаллий компаниялардан SHARQ-PRESS, GOLDEN PAGES, YELLOW PAGES, PC.UZ, NORMA HANKOR, ПрессТИЖ корхоналари ўз хизматларини кенг намойиш қилишди. Шунингдек, кўргазмада Konika Minoltaнинг янги лазерли принтерлари билан иштирок этган мамлакатимиздаги офис ускуналарини етказиб берувчи йирик компаниялардан бири — "Турон" МЧЖнинг экспозициялар майдони ташриф буюрувчилар билан гавжум бўлди.

АТ-соҳасининг қатор корхона ва компаниялари учун ушбу кўргазма талаб ва тақлифни ўрганиш, ўз бизнесини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, шу йўл орқали хориж сармоясини жалб қилиш, телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари соҳасини янада тараққий эттириш кўргазмадан қўзланган асосий мақсад ҳисобланади.



От билан овуллар оша...

Кўхитанг тоғи этагида қишлоқлар кўп. Улардан бештаси Панжи ака учун таниш ва яқин манзилга айланиб қолган. Қарийб чорак аср бўлаптики, Зарабоғ, Қизилолма, Кампиртепа, Пошхўрд ва Шержонга хабарчилик қилади.

Кишлоқ хабарчисининг хизмат "машинаси" жонли зот бўлгани учун ёқилғи ё эҳтиёт қисмларга эҳтиёж сезмайди. Аммо отга ҳам қаров керак. Баҳор ва ёзда ўтлоққа боғлаб, куз-қишда тўпа дони бермасангиз қувватдан қолади. Тоннинг ўнқир-чўнқир тош йўлида юриш жониворга осон эмас. Панжи ака буни жуда яхши билади. Шу боис, халқимизнинг "Қиш гамини ёзда е!" нақлига ҳар йили қатъий амал қилади.

От билан овул ошилганда хуржун хат-хабар, газета ва журналларга тўла бўлади. Панжи Маманов уни эгаларига етказганда қувониб кетади. Бу бежиз эмас. Одамлар қувончига шерик бўлишдан ортик бахт йўқ, оламда! Қай бир хонадон соҳиби аскар ўғлининг биринчи мактубини зўр ҳисажон билан қўлга олса, яна бир муштарий обуна бўлган газетаси вақтида келганидан хурсанд бўлади. Панжи ака шундай ҳолатлар-

да ўзини енгил ҳис этади. Чарчоқ сезмайди. Хизмати эвазига кимгадир наф келтираётганидан баҳра олади.

— Туман меҳнатқашларига 41 нафар хабарчи хизмат кўрсатмоқда, — дейди Шеробод почта алоқаси тўмоғи раҳбари Маъмуржон Абдижабборов. — Барчаси интизомга амал қилиш ва бурчга масъулият сезиш бобида бир-биридан қолишмайди. Аммо Панжи Маманов почта соҳасининг чинакам фидойиси. Шу сабабли, бу йил Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" белгисига сазовор бўлди.

Анъанага кўра, мукофот алоқа ходимлари кунни арафасида Тошкент шаҳрида топширилди. Ушанда Панжи ака муносиб тақдирланган касбдошлари сингари кўнглида ифтихор ҳиссини сезди. Кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромдан фахрланди ва гурурланди.

Бейхитёр от билан овул оша кезган давларини эслади. Қутилмаганда шовуллаб сел келиб қолганда соатлаб сой бўйида турганлари, қишнинг изғиринли кунларида от билан муз қоплаган йўлда авайлаб юрганлари зое кетмаганлигидан мамнун бўлди. Кимнинг қандай меҳнат қилаётгани ҳисоб-китоб қилиб борилишини дилдан сезди. Пойтахтдан янгича куч-ғайрат ҳамда кўтлуг ниятлар билан қайтди.

Уни Зарабоғда истиқомат қилаётган оила аъзолари, тўрт нафар фарзанди ва неваралари хурсанд ҳолда кўтиб олишди. Панжи ака уларга сафар таассуротларини сўзлаб берди. Сўхбат сўнггида "Насиб бўлса, ҳаммаларини Тошкентга олиб бораман. Пойтахтимизнинг мустақиллик йилларида қандай яшнаб кетганлигини ўз кўзларингиз билан кўрасизлар", деди. Саёхатсевар болалар бейхитёр чапак чалиб юборишди.

Оли жамоасидаги аҳилликдан куч олиб яшаётган киши ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқишга улғурди. Шерободлик тажрибали почта ходими, "Ўз касбининг устаси" белгиси соҳиби Панжи Маманов ҳар бир иш кунини шундай унум ва кўтаринки қайфият билан ўтказмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Эндигина ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Нусрат ишсиз юришни ўзига эп кўрмади. Бир мунча вақт қаерга ишга жойлашиш ҳақида бош қотирди. Корхона, ташкилотлари меҳнат жамоалари қанча. Касбларнинг кўплигини айтмайсизми?

Сулола

Унинг мақсадини англаган отаси Ҳаққул ака ўғлини тўппа-тўғри ўзи ишлаётган Қарши шаҳар алоқа тармоғига олиб келди. Ўша вақтда корхона раҳбари бўлиб ишлаётган Турсун Мухторов Нусратдаги меҳнатсеварликни пайқаб, электромонтёрликка ишга қабул қилди. Шунга ҳам 25 йил бўлибди.

Кўп йиллар шу корхонада ишлаб, бугунда кексалик гаштини сураётган Ҳаққул бобо фарзанд ва набираларининг алоқа соҳасида ўз ўринларини топиб олганларидан қувончи чексиз.

Нусрат Йўлдошев корхонада турли вазифаларни бажарди, билим ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида Тошкент алоқа коллежини тугатди. Айни пайтда у «Ўзи-Қарши» филиалининг 225/70 ЭАТС участка бошлиғи сифатида фаолият олиб бормоқда.

Нусрат аканинг турмуш ўртоғи Меҳринисо Йўлдошева ҳам алоқачи — «Ўзи-Қарши» филиалининг мижозлар билан ишлаш бўлими оператори. Катта ўғли Холмурод улар ортидан эргашди. Ҳозирда у филиалининг паспортлаштириш бўлимида электромонтёр бўлиб ишламоқда.

— Меҳнат фаолиятини маълумотлар бюросидан бошлаганман, — дейди Меҳринисо опа. — Кейинчалик дебитор қарздорлар билан ишлаш бўлимида ассистент бўлиб ишладим. Жамила Одилова, Маҳсума Тошева, Меҳри Раҳимова, Ойсара Эшмуродовалар ишга келган кезларимда яқиндан ёрдам беришган. Ота-онам ҳам алоқа корхоналарида меҳнат қилишган. Укам Отабек «Элегант Элдарадо» хусусий фирмасига қарашли шаҳарлараро сўзлашувлар шахобчасида оператор бўлиб ишлаётган бўлса, синглим ва кўёвим ҳам алоқачилик касби ортдан турмушлари фаровон.

Ҳар йили сентябр ойининг сўнгги бир кунинда Нусрат ака ва Меҳринисо опа ўзларининг таваллуд кунларини нишонлайдилар. Қувончи кунда тўпланган оила аъзолари, яқинларининг кўпчилигини, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳамкасб яқинлар ташкил этади.

Дастурхон атрофида тўпланган сулола вакиллари сўхбатининг мавзуси ишдаги ютуқлар бўлиши тайин.

А. ИСМОИЛОВ

Почта тармоғига янги "DAMAS"

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиалининг Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғида кунлик почта жўнатмалари — хат-хабарлар, жўнатмалар, матбуот нашрлари ва бошқалар "DAMAS" русумли автотранспортда етказиб бериладиган бўлди.

Яқинда бу ерда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан янги автомобилнинг топширилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

— Шу кунгача почта ташишда фойдаланиб келинган "Москвич" русумли автомобилни эскириб қолганлиги туфайли тез-тез таъмирлашга эҳтиёж туғилаётган эди, — дейди тармоқ бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдуваҳоб Исоқов. — Янги автомашинани 2008 йил учун даврий нашрларга обуна қабул қилиш мавсуми олдида берилиши аини мудида бўлди. Бунинг учун биз "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бошқарувига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



Камолитдин ҚАМБАРДИНОВ
Андижон вилояти

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сонли қарорига асосан, "Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг (Қашқадарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001613 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 17 сентябрдан 10 иш кунига тўхтатиб турилади.

Ҳаёт завқи

Манзураҳон опа Исломова кўп йиллардан буюн "Фаргона Телеком" филиалида ходимлар ва ходимларни тайёрлаш бўлимида ишлаб келмоқда.



Барча боғламаларда ишлаётганлар — раҳбар, мутахассис ва ишчи-пайвандчиларнинг малакасини ошириш бўйича ўқишлар ташкил қиламан, — дейди опа. — Белгиланган режаларни талаблар даражасига етказишим зарур. Чунки менинг меҳнатларим ҳам пировард натижаларда акс этмай қолмайди.

Ҳа, шундай. Филиал бўйича шу йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳолига 3 млрд. 934 млн. сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилди. Утган йилнинг шу даврига таққослаганда бу кўрсаткич 1,22 баробар кўп демакдир. Шунингдек, трафик тўловларисиз филиалнинг ўз даромади 3 млрд. 409 млн. сўмдан ортқини ташкил этди. Опа ана шу ютуқларда ўзининг ҳам камтарин хизматлар-

ри борлигидан ҳақли равишда фахрланди.

Опа бугунги кун талабларидан келиб чиқиб маънавиятни юксалтириш билан боғлиқ ҳужжатларни алоқачилар онгига содда ва тушунарли қилиб етказишга ҳаракат қилади. Бунда ҳар бир мутахассисликка ўзига хос ёндашув керак. Ўз иш фаолияти ҳақида гап кетса, шундай жонланиб завққа тўлиб сўзлайдики, асти қўяверасиз.

— Баҳорда 20 нафар пайвандчимизни ўқитдик. Ўқув базамиз, биласиз, "Алоқачи" сихатгоҳида. Бу ерда ўқиш, соғлиқни тиклаш шарт-шароитлари жудаям яхши. Улар сихатгоҳда ҳам ўқиб, ҳам дам олишди, саломатликларини тиклашди. Бадиий китобларни ўқиб бахшлаётганларини

кўриб, бир севинсам, ранглари очилди, кўзлари чақнаб қолганидан бир севиндим.

Манзураҳон опа ҳаётининг ҳозиргидай текис, саодатмандликда ўтаётгани учун аввало ота-онасидан, устозлари Тўлқинжон Иброҳимов, Зўҳра Мирзаева, Маҳмуджон Аҳмадалиевлардан миннатдор. Улар берган бебаҳо йўл-йўриқлар, маслаҳатлар туфайли ҳаётда қўқилмади.

— Жондан азиз оилам, икки фарзандимиз, бир неварамиз борлиги менинг битмас-туганмас бахтим-саодатимдир. Фарзандлар ўз йўлларини топиб олишган. Мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаятган меҳнат жамоамдан, раҳбариятимиздан миннатдорчилигим чексиз. Уларга эътибор ва эъзоз учун ўз ташаққуриمنى изхор этаман.

Яқинда Манзураҳон опа Исломова 55 ёшга тўлди. Чехрасида доимо ёшларга хос нафосат ва маллоҳат жиља қилувчи опамизга мустаҳкам саломатлик, узок умр, турмуш ўртоғи билан фарзандлар камолини кўриб, роҳат-фароғатда яшашини тилаймиз.

Ҳафиза САЛҲАҲОВА,
"Хабар"нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири

ВОСЬМАЯ ВЫСТАВКА «InfoComExpo UZBEKISTAN 2007»

18 сентября в «Узэкспо-центре» открылась восьмая Узбекская международная выставка «Телекоммуникации и информационные технологии – InfoComExpo Uzbekistan 2007».

Мероприятие организовано Министерством внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан, Торгово-промышленной палатой, Комитетом по координации развития науки и технологии при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Ташкентским городским хокимиятом, ассоциацией «Узэлтехсанат» при содействии международных выставочных компаний «ITE Uzbekistan» и «ITE Exhibition & Conferences Ltd» (Великобритания).

Выставка «InfoComExpo Uzbekistan 2007» вобрала в себя все современные направления сферы телекоммуникаций и информационных технологий. Она представлена такими разделами, как проводные и беспроводные телекоммуникационные технологии, системы безопасности, банковские системы, телерадиовещание, система защиты информации, пластиковые и электронные карты, а также учебные и информационные центры. Свою продукцию и услуги предлагают компании из Узбекистана, Казахстана, России, Японии, Китая, Италии, Венгрии, Турции.

Выступивший на открытии председатель Торгово-промышленной палаты Узбекистана А.Шайхов отметил, что в результате проводимых в стране широкомасштабных реформ телекоммуникации и информационные технологии стремительно проникают во все сферы. Создание в стране благоприятного инвестиционного климата служит важным фактором дальнейшего расширения торгово-экономических отношений с зарубежными государствами, интеграции в мировую экономику, в частности, обмена опытом и освоения передовых информационных технологий.

Выставка имеет большое значение в изучении спроса и предложения, развитии товарообмена, создании необходимых условий для организации совместных предприятий. Главной целью мероприятия является дальнейшее развитие сферы телекоммуникаций и информационных технологий и привлечение иностранных инвестиций.

Новости в сфере ИКТ

КИТАЙЦЫ ОПЯТЬ «ЗАЖИГАЮТ»!




Телефоны, посвященные олимпийским играм, выпускаются множеством компаний по всему миру.

Да и тяжело удержаться от искушения, ведь потребительский спрос на подобные товары велик. Вот и в Китае вышла неофициальная «олимпийская» модель. Почему мы пишем именно о ней, а не об официальном телефоне от Samsung? Все просто - настольно оригинального дизайна пока не предложено никем. Описывать это чудо дизайнерской мысли бесполезно, лучше взгляните на фото.

На прошлой неделе стало известно, что «стодолларовый» портативный компьютер XO будет стоить 188 долларов США. Об этом заявили представители некоммерческой организации OLPC (One Laptop Per Child). Необходимо отметить, что это уже второй раз, когда разработчики OLPC поднимают цену на своё изделие.

«СТОДОЛЛАРОВЫЙ» НОУТБУК СНОВА ПОДОРОЖАЛ

Первоначально участники проекта OLPC планировали распространять XO по цене около 100 долларов США. Однако из-за более высокой, нежели ожидалось, цены комплектующих участники OLPC были вынуждены поднять стоимость ноутбуков до 176 долларов США за штуку. Теперь же было объявлено, что и эта цифра увеличится под влиянием ряда факторов, включая колебания курса доллара и рост цен на компоненты из никеля и кремния. Таким образом, осенью этого года, когда начнется массовое производство XO, ноутбук будет стоить 188 долларов США. Ранее OLPC обещал не допустить, чтобы цена XO превысила 190 долларов США.



МОБИЛЬНЫЙ КОНТЕНТ ИЗ МУЗЕЯ


Бостонский Музей изящных искусств объявил о начале работы программы MFA Mobile.

Эта программа позволит пользователям загружать изображения произведений искусства, хранящихся в музее, на свои мобильники и другие девайсы. Выбор огромен - от работ Клода Моне до египетской скульптуры или африканских масок.

Цены таковы - загрузка одних обоев обойдется в 1,99 доллара. Если выбрать месячную подписку, то за возможность получить пять разных обоев плюс бонус - эксклюзивные обои - нужно будет заплатить 4,99 доллара в месяц.

В ГЕРМАНИИ АРЕСТОВАНА БАНДА ФИШЕРОВ

В Германии арестованы 10 участников международной группировки интернет-мошенников. Ими оказались русские, украинцы и немцы в возрасте от 20 до 36 лет. По данным управления федеральной полиции, преступники занимались фишингом: обманым путем добывали персональную и финансовую информацию пользователей Сети, и заработали на этом сотни тысяч евро. Мошенники работали по классической схеме и рассылали своих жертвам - клиентам банков - электронные письма от имени eBay, Deutsche Telekom и других крупных компаний. В прикрепленных к ним файлах находился троян, отсылавший мошенникам все необходимые данные.



АНАЛОГОВОЕ ТВ БУДЕТ ТРАНСЛИРОВАТЬСЯ ДО 2012 ГОДА

Американским операторам кабельного ТВ придется поддерживать аналоговое вещание до 2012 года, сообщает Ars Technica. По новым правилам, окончательно утвержденным FCC на этой неделе, возможность смотреть передачи, транслирующиеся по кабельным телеканалам должна быть у всех подписчиков, в том числе владельцев «аналоговых» телевизоров.

Ранее Комиссия по связи США потребовала от провайдеров полностью осуществить переход на цифровое вещание к февралю 2009 года. После перехода на «цифру» кабельные операторы начнут передавать два сигнала - стандартной (SD) и высокой (HD) четкости. «Традиционные» телевизоры, которыми сейчас пользуются более 40 миллионов жителей США, их принимать не смогут.

Теперь же, согласно решению FCC, к началу 2009 года провайдером кабельного ТВ придется самостоятельно переводить цифровой сигнал SD в аналоговый, что требует большего диапазона частот. Либо они должны предоставлять всем своим подписчикам специальные телевизионные приставки-конвертеры.

Маленьким операторам, вещающим в диапазоне 552 МГц, для которых выполнение требования FCC связано с большими расходами, комиссия решила пойти навстречу и предоставить отсрочку.

“АЛЬ-ХОРЕЗМИ - 2007”

В Ургенчском филиале Ташкентского университета информационных технологий состоялся региональный конкурс программистов «Аль-Хорезми-2007».

Участвовали в нем тринадцать команд. По словам ректора Ургенчского филиала ТУИТ, доктора физико-математических наук, профессора Ахмаджана Юсупова, конкурс стал «разминкой» перед четвертьфиналом чемпионата мира по программированию.

Сильнейшей признана первая команда Ургенчского филиала ТУИТ. Второе место - у студентов Бухарского института пищевой и легкой промышленности, третье - у Самаркандского филиала ТУИТ.



АФОРИЗМ

Почтенья хочешь — меньше злослычь;
Здоровья хочешь — пищу огрань.

Алишер НАВОИ

IBM ПРЕДСТАВИЛА НОВЫЕ СИСТЕМЫ ХРАНЕНИЯ ДАННЫХ

Корпорация IBM объявила о выпуске двух новых систем хранения данных линейки System Storage N3000, получивших обозначения N3300 и N3600.

Комплекс System Storage N3300 в максимальной конфигурации способен хранить до 24,6 Тб данных, тогда как модель System Storage N3600, допускающая установку 104 жестких дисков, вмещает до 69 Тб информации. Новые системы хранения данных предназначены для использования в сферах малого и среднего бизнеса. По утверждениям IBM, комплексы позволяют решать такие задачи, как централизация хранилищ в удаленных офисах и филиалах, а также повышение производительности и масштабируемости посредством консолидации фрагментированных по приложениям систем хранения в рамках единой и удобной инфраструктуры.

К достоинствам систем линейки System Storage N3000 разработчики относят наличие функций резервного копирования и восстановления данных, простые механизмы репликации и восстановления в аварийных ситуациях и совместимость со всем семейством унифицированных устройств хранения данных серии N.



Хабарлар + TV

АБОБОТОН

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 8.00-8.45 "Тадқиқнома"
- 8.50 "Оттин мерос"
- 8.55 "Минг бир ривоят"
- 9.00 "Кўёш боғмайдиган юрт". Т/с.
- "Болалар саёбраси"
- 9.35 "Пошхонотас" Мултисернал
- 10.00 "Ватанларим"
- 10.00 "Ахборот"
- 11.15 "Одани эрсанг"
- 11.35 "Нон қадри"
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастр.
- 13.00 "Одам ва одам" дастури: "Экспедиция"
- 13.50 "Она юрт наволари"
- 14.00 "Ахборот"
- 14.20 "Бог" А. Навоий номидаги Наманган музыка драма театрининг спектакли 1-қисм
- 15.20 "Ҳаёт манзиллари"
- 15.30 "Бог" Спектакль, 2-қисм
- 16.20 "Обод манзиллар" "Болалар саёбраси": тасвир
- 16.40 "Ахборот" - яхшиликка тасвир
- 17.00 "Ахборот"
- 17.15 "Оданига оғушида"
- 17.30 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с
- 18.20 "Минг бир ривоят"
- 18.25 "Рамазон тухласи"
- 18.30 "Оттин мерос"
- 18.55 "Бир кун"
- 19.20 "Сизнинг адвокатингиз"
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 "Эълонлар"
- 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
- 20.05 "ТВ шифокор"
- 20.30 "Ачиқ елгон" Телесериал премьераси (Гуржия)
- 20.50 "Минг бир ривоят"
- 21.00 "Ахборот"
- 21.40 "Бир ўлка-ки"
- 22.00 "Кўнгил ривогитаси" Телесериал премьераси (Корея)
- 23.00 Кўшиғимиз, муҳаббат (SMS, Овоз беринг)
- 23.10 "Довоқар самурай"
- Телесериал премьераси (Япония)
- 24.00-00.05 Тунги наволар
- "Албислар"
- 00.05 Кўрсатувлар дастури
- 00.10 "Юртим бўлбод" дастури: "Сўз ва минимиз Зоми"
- 00.20 "Чемпион сирлари"
- 00.40 "Бир ўлка-ки"
- 01.00 "Ахборот". Информацион дастр (рус)
- 01.30 "Оттин мерос"
- 01.40 "Улуғбек бурки". Ракс-спектакль
- 02.20 "Нон қадри"
- 03.40 "Обод манзиллар"
- 04.00 "Ахборот"
- 04.35 "Оттин мерос"
- 04.45 "Минг бир ривоят"
- 04.50 "Турмуш чорраҳаларида" Т/с
- 05.40-5.55 Тонгги наволар



- 16.55 Дастрнинг очилди.
- 17.00 "Нафос олами". Мусавир Владимир Кий ижодиди.
- 17.40 "Муҳаббат дунё"
- Иамий-марийфил сериал
- 18.00 "Дарвининг боласи"
- 18.10 "Кўюкқ дўбқочқлар"
- Мультисернал
- 18.20 "Телетўғра"
- 18.25 Уқитчулар ва мураббийлар кун ижодиди "Устозим"
- 18.30 "Мулки муғто"
- 18.50 "Шу кунларга етқалганига шўқри"
- 18.55 "Телетўғра"
- 19.00 "ДАВР"
- 19.30 "Айро тақдирлар" Т/с
- 20.05 "ЎзБЕХ хабарлари"
- 20.10 "СПОРТЛОТ"
- 20.20 "Ешиқ наволари"

ДУШАНБА — 24 СЕНТЯБР

- 20.40 "Мангиллик муҳраган мустанқидил"
- 20.45 "Эълонлар"
- 20.50 "Шоқимиз уй" Т/с
- 21.15 "ЎзБЕХ хабарлари" (рус ва инглиз тилларида)
- 21.45 "ТВ-банк"
- 21.55 "Эълонлар"
- 22.00 "ДАВР"
- 22.30 "SMS-мушиқа". Еш иқроқчар тилдои.
- 22.50 "Бўри" Т/с
- 23.45 "Хайри тун"

СЕРИАЛ

- 17.50 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.55 Мултифилм: "Қилду амакининг ҳикоялари"
- 18.05 "Телесурат" - маркет"
- 18.25 "Баласидил"
- 18.30 21.30 "Поитах" аборот дастури
- 18.50 "Эгиздақлар". Телесериал
- 19.20 Т/с ворист
- 19.25 "Мушиқа SMS"
- 19.30 "Саломат бўлинг" /рус/ дастр /рус/
- 20.00 22.30 "Поитах" аборот дастури /рус/
- 20.10 "ТВ юрист" /рус/
- 20.20 "Полдована експедиция". Познавательная программа
- 20.45 "Кисм"
- 20.50 "Интервью" /рус/
- 21.00 "Жойна"
- 21.45 "Уяларим"
- 21.50 "Телесурат" - маркет"
- 22.10 "Аёл қалби"
- 22.45 "Қино SMS со швадами"
- 22.50-23.50 Кино: "Горьость и преудбекадие". 1-қисм

SPORT

- Телеомошиналар лиққатига! Профилатика муносабати билан, 24 сентябрь кунин "Спорт" телерадиоқаналида ух кўрсатуари-ни 18.00 даи бошқалад.
- 18.00 "Мир детского спорта"
- 18.15 "Тет-а-тет"
- 18.30 "Хабарлар" (рус, тилида)
- 18.50 "Мушқий тайм"
- 19.10 "Жаи мена"
- 20.00 "Сатисфакция". Сериал.
- 20.45 "Спортмаиз малиқкалари"
- 21.05 Футбол шарқи.
- 21.30 "Хабарлар" (9:30 тилида)
- 21.50 "Дела семейное". Сериал.
- 22.05 "Атлетизм-серия"
- 22.45 ПрофРИНГ"
- 23.35 Тижелая атлетика
- Е Чемпионот мира. Мужчины.
- 00.05 Тунгиш оеуа бўқи"

БИРИНЧИ

- 4.00 Телеканал "Доброе утро"
- 8.00 11.00 Новости
- 8.55 Телеканал "Доброе утро". Продолжение
- 8.30 "Малахов +"
- 9.30 "Контрольная закупка"
- 10.00 "Агент национальной безопасности" Т/с
- 11.15 "Модный приговор"
- 12.25 "Детективы"
- 13.00 "Другие новости"
- 13.30 "Фабрика звезд"
- 14.00 Новости (с субтитрами)
- 14.15 "Понять. Простить"
- 16.00 "Аллага Вел комплексов"
- 15.55 "Федеральный судья"
- 17.00 Вероние новости (с субтитрами)
- 17.15 "Жаи мена"
- 18.05 "Татьянин день". Т/с.
- 19.05 "Следа"
- 20.00 2.00 Время
- 20.30 Премьера. "На пути к сердцу". Т/с.
- 21.30 "Отмы-одиночки"

- 22.40 Ночные новости
- 22.55 "Фабрика звезд" дома"
- 23.30 Теория невероятности.
- Психологический террор"
- 0.15 Тени и злые"
- 0.50 Триллер "Один неверный ход"

РОССИЯ

- 04.00 "Доброе утро, Россия!"
- 07.00 Д/ф "Братская ГЭС"
- 07.55 Х/ф "Мужчина должен платить"
- 09.45 "Вести. Дежурная часть"
- 10.00,13.00,16.00,19.00 "Вести". 10.30,12.40,18.40 "Местное время. Вести - Москва"
- 10.50 Т/с "Таинственный остров"
- 11.15 Т/с "Три тапера"
- 11.50 М/с "Привлечения капитана Врунгеля"
- 12.10 Т/с "Простые истины"
- 13.10 Т/с "Свяж команда"
- 13.40 Т/с "Мачеха"
- 14.30 "Эта иль"
- 15.30 "Кулини и партнеры"
- 16.20 "Местное время. Вести - Москва"
- 16.40 Т/с "Ангел-хранитель"
- 17.40 Т/с "Держи меня крепче"
- 19.45 "Спокойной ночи, малыши!"
- 19.55 Т/с "Я смикш"
- 21.55 "Мой серебряный шар. Л. Смирнова"
- 22.55 "Вести +"
- 23.15 "Очевидное-невероятное"
- 23.45 "Честный детектив"
- 09.10 "Сивилизация"
- 09.45 "Дорожный патруль"
- 09.55 Комедия "Безумный день - среда"
- 03.00 Канал "Евроноьюс"

НТВ

- 05.00 "Сегодня утром"
- 08.05 "Сладкие вези..."
- 09.00 12.00 15.00 18.00 21.45 "Сегодня"
- 09.20 17.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор"
- 09.55 "Квартирный вопрос"
- 10.55 "Квартирный вопрос"
- 12.30 Детектив "Ночное происшествие"
- 14.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор"
- 15.25 Т/с
- 15.30 "Профессия - репортер"
- 15.40 "Новости с Российского колледжа"
- 23.20 "Школа зловония"
- Е Гиния
- 09.15 "Top Gear"
- 09.45 Комедия "Почти герои"
- 02.30 Х/ф "Александр Невский"
- 04.10 М/с "Богатырский Ринг"

КУЛЬТУРА

- 06.00 Канал "Евроноьюс"
- 09.20 "В главной роли..."
- 09.50 Х/ф "В ожидании чуда"
- 11.00 Д/ф "Атлантикские сержанты"
- 11.30 "Линия жизни". И. Макарова
- 12.20 "Тысяч измерение"
- 12.50 Спектакль "Безобразная Этика"
- 14.25 "Русский стиль". "Высший свет"
- 14.55 "Порядок слов"
- 15.00 М/с "Госпиталь Хилтопа"
- 15.20 М/ф
- 15.35 "Арктика всерсе"
- 16.00 Д/ф "Питер Брейгель-старший"
- 16.10 Д/с "Поместье суриков"
- 16.35 "Плененный суиба"
- "Н. Павловича"

- 17.00 Д/ф "Аксум"
- 17.15 "Достоиние республики"
- 17.30 "БлокНОТ"
- 18.00 "Ночной полет"
- 18.55 Д/с "Метрополини". "Бегство в Венецию"
- 19.50 "Острова"
- 20.45 Д/с "Старый город Гаваны"
- 21.00 "Тайны забытых побед". "Устремленный в будущее"
- 21.35 "Тема времени"
- 22.50 "Про АРТ"
- 23.20 "Легенды мирового кино". Н. Кошверова
- 23.45 "Док камера". "Реконструкция: предел истины"
- 00.25 А. Хачатурян. Три танца из балет "Ганя"
- 00.40 Д/с "Метрополини". "Бегство в Венецию"
- 01.35 Д/ф "Паровая насосная станция Вауа"

СТС


- 07.00 Т/с "Школа "Черная дыра"
- 07.45 М/с "Бошман и попутай"
- 07.55 М/с "Смешарики"
- 08.00 18.00 02.00 Т/с "Моя прекрасная няня"
- 08.30 20.00 01.30 Т/с "Папины дочки"
- 09.00 21.00 Т/с "Каледство"
- 10.00 20.30 01.00 История в деталях
- 10.30 19.00 Т/с "Школа № 1"
- 11.30 Шоу "Эпонок"
- 12.30 Т/с "Безумная свадельте"
- 13.30 Д/с "На грани жизни и смерти. Мюнхенская авиакатастрофа"
- 14.30 М/с
- 17.00 Т/с "Таинственный портал"
- 17.30 "Галилео"
- 22.00 Т/с "Триггационист"
- 23.00 Х/ф "От заката до рассвета"
- 02.30 Комедия "100 подвогов Элли МакДуада"

ТВ3

- 07.00 Публеоноисний голос.
- 07.30 М/ф
- 08.15 "Таракан-робот", 16 с.
- 08.45 "Ферма чудшис", 16 с.
- 11.55 "Ползуние войско", 3 с.
- 09.30 М/ф
- 10.30 17.30 УП-ПС"
- 11.30 16.30 Т/с "Звездине врата"
- 14-15 с
- 12.30 18.30 Успеть за 23 минуты.
- 13.00 19.00 Ресепты суиба
- 14.05 21.00 Тайны
- 15.00 20.00 Т/с "Говорящая с призраками", 6 с.
- 16.00 Т/с "Муришки", 16 с.
- 22.00 Х/ф "Прова во времени"
- 00.00 02.10 Т/с "Байки из скетча", 24-25 с.
- 00.30 Х/ф "Депрекот 2". Профилактика.

TNT

- 04.45 "Любовь и тайны Сансет Бич"
- 05.30 Такси.
- 05.55 "Глобальные новости"
- 06.00 Утро
- 07.30 Утро
- 09.10 17.00,19.00 Т/с "Сладкии вместе"
- 10.00 М/с
- 12.30 Такси.
- 13.00,13.30,04.00 Т/с "Саша + Маша"
- 14.00,20.00,23.15,03.10 "Дом 2"
- 15.00 Бюсақ. "Обитель зла II: Апокалипсис"
- 18.00 Такси.
- 18.30 Комедия: инструкция по применению
- 21.00 Комедия "Свидание моеи мечты"
- 23.45 Секс с А. Чеховой.



5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
8.00-8.35 "Азборот".
8.40 "Оттин мерос".
8.45 "Минг бир ривоят".
8.50 "Кўчани боғмайдиган юрт". Т/с.
"Болалар сайеро".
9.20 "Ўзда, Ўзда, Топ".
Телемусоба.
10.25 "Поколотте". Мультисернал.
10.25 "Бир ўлка-ки".
10.50 "Савининг адолатчилиги".
10.55 "ТВ шифорат".
11.00 "Азборот".
11.15 "Анчиқ ёлгон". Т/с.
11.50 "Азборот" (инглиз тилида).
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
Кундаги дастур.
13.00 "Кўнниг риштаси". Т/с.
13.50 "Оттин мерос".
14.00 "Азборот".
14.20 "Олам ва олам" дастури.
"Экспедиция".
15.10 "Бу менинг Витамин" Тошкент
видео.
15.40 "Шафқ тароналари".
15.55 Ҳаётини ва мураббийлар кўни
одавдан "Буни уяр дерлар".
16.15 "Ҳаёт ва кўнни".
"Болалар сайеро".
16.35 "Эрталаб - яхшиликка
етадир".
17.00 "Азборот".
17.10 Эски альбом.
17.15 "Хўшхўрлар ҳаёти".
17.20 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с.
17.30 "Минг бир ривоят".
18.25 "Рамазон тўғриси".
18.50 "Оттин мерос".
18.55 "Икки дарё оралиғида". 1-
қисм.
19.15 "Банк ва бизнес янгиликлари".
19.25, 19.35, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Азборот" (рус тилида).
20.05 "ТВ шифорат". Т/с.
20.10 "Анчиқ ёлгон". Т/с.
20.15 "Минг бир ривоят".
21.00 "Азборот".
21.40 "Бир ўлка-ки".
22.00 "Кўнниг риштаси". Т/с.
23.00 "Қўнгимсан, муҳаббат" (SMS
Овез бериш).
23.10 "Доворақ самурай". Т/с.
24.00-01.00 Тўнги навалар.
"Ўзбекистан".
00.10 Кўрсатувлар дастури.
- 20.50 «Минг бир риовот».
- 21.00 «Аборот».
- 21.40 «Янги навалар».
- 22.00 «Кўнрақ рингаси». Т/с.
- 23.00 «Қўлимизни, мурадб» (SMS. Овоз берин)».
- 23.10 «Доворак самурай». Т/с.
- 24.00-00.10 Тунги навалар.
- «Ўзбекистан».
- 10.00 Курсатувлар дастури.
- 00.15 «Кўнрақ бўйлаб» дастури.
- «Замонавий ўзбек миниатюраси».
- 00.35 «Тарих кўзуси».
- 00.40 «Аборот». Информацион дастур (рус).
- 01.30 «Янги кун».
- 02.20 «Танглик навалар». Б/ф.
- 03.35 «Икки даре оралиқда». 4-қисм.
- 04.00 «Аборот».
- 04.35 «Оттин мерос».
- 04.45 «Минг бир риовот».
- 04.50 «Гурчи чоррақларида». Т/с.
- 05.40-05.55 Тонги навалар.



- 6.55 Дастурнинг оёқлини.
- 7.00 «ЯНГИ ТОН».
- 8.00 «Даннинг боласи».
- 8.10 «Эртанинг эртак».
- 8.40 «Боалар табассуми».
- 8.45 «Изом Букурди». Видеофильм.
- 8-қисм.
- 9.35 «Мулки мулози».
- 9.50 Уқитгуниллар ва мураббийлар кўни олдани «Устоғи».
- 9.55 «Аксалар заинаси».
- 10.00 «ДАВР».
- 10.10 «Айро тақдирлар». Т/с.
- 10.35 «Телеуфа».
- 10.40 «Интерубо».
- 12.10 «Ишкоми уй». Т/с.
- 12.50 «Муруват».
- 13.00 «ДАВР».
- 13.10 «Телеуфа».
- 13.15 «Фоси ва ҳикмати илмий-марияти дастури».
- 14.00 «Пуаро». Т/с.
- 14.50 «Табаккур нури».
- 14.55 «Мангуликка мурданган мустақиллик».
- 15.00 «ЯНГИ КҮН».

- 15.50 «Нарост олами». Мусаевир Тоҳир Қаримов ижодини.
- 16.00 «ДАВР».
- 16.10 «Телеуфа».
- 16.15 Миллий сериал: «Медробан чағи».
- 17.00 «Эрта сўнган юлдузлар».
- Шавкат Раҳмон.
- 17.20 «Радавалар кўраганим».
- 17.30 «Еш оиналар — авалат ҳимоясида».
- 17.45 «Илғимий ҳимоя йилига бағиш».
- 18.00 «Даннинг боласи».
- 18.10 «Куюққ дўбоқчалар».
- Мулатсерияли.
- 18.25 Уқитгуниллар ва мураббийлар кўни олдани: «Устоғи».
- 18.30 «Мулки мулози».
- 18.50 «Шу кунларга етказганига шукр».
- 18.55 «Телеуфа».
- 19.00 «ДАВР».
- 19.30 «Айро тақдирлар». Т/с.
- 20.00 «Ватаним».
- 20.10 «СЕРТЛОТО».
- 20.20 «Ешлик навалар».
- 20.45 «Эълонлар».
- 20.50 «Ишкоми уй». Т/с.
- 21.35 «Парламанни вақти».
- 21.55 «Эълонлар».
- 22.00 «ДАВР».
- 22.30 «SMS-музоқа». Еш икчирақлар тандола.
- 22.50 «Бурр». Т/с.
- 23.45 «Хайран тун».

ТОҲМИТ

- 7.35 Курсатувлар тартиби.
- 7.30 «Салом, Тошкент».
- 8.35 «Этиқлар». Телесериял.
- 9.05 18.05 21.50 «Телекурор - маркет».
- 9.25 «Тв юрист».
- 9.35 «Биласимиз».
- 9.40 «Муқиқ SMS».
- 10.05 «Уяларим».
- 10.15 «Интерубо».
- 10.20 «Нарост олами» (рус./рус.).
- 10.35 «ТВ юрист/рус/».
- 10.45 — 11.35 «Мисс Марга».
- Телесерияли.
- 15.70 Курсатувлар тартиби.
- 17.55 «Адиш» (рус.).
- 18.25 «Бивазелизм».
- 18.30 21.30 «Поитак» аборот дастури.
- 18.50 «Этиқлар». Телесериял.
- 19.20 «ТВ юрист».
- 19.25 «Муқиқ SMS».
- 19.50 «Саломат бўлинг».
- 20.00 22.30 «Поитак» аборот дастури (рус.).
- 20.15 «ТВ юрист/рус/».
- 20.20 «Поводная экспедиция».
- 6-қисм.
- 20.50 «Репортаж» (рус.).
- 21.00 «Жазоба».
- 21.45 «Уяларим».
- 22.15 «Мариятат фидоилари».
- 22.45 «Кино SMS со везамима».
- 22.50 — 00.25 Кино: «Памятная прогулка».

SPORT

- 7.00 «Будре устро».
- 8.00 «Хоблар» (рус тилида)
- 8.20 «Мушфаллам».
- 8.30 «Малловч».
- 8.30 «Детективи».
- 9.30 «Мушфаллам» (уз тилида)
- 10.20 Футбол. Германия чемпионати шарҳи.
- 11.05 Кураш. Республика турнири.
- 11.35-11.55 «Спорт салтанати».
- ***
- 18.00 «Боалар спорти».
- 18.15 «Муқийди тайм».
- 18.30 «Хоблар» (рус тилида)
- 18.35 «Поле чудес».
- 20.00 «Старге дела». Сериал.
- 20.45 «Олпим сари йул».
- 21.00 Эркин ва ююм-нур кураши.
- 21.30 «Хоблар» (уз тилида)
- 21.50 «Боалар прогулка». Сериал.
- 22.15 Тажавва атлетика. Чемпионат мида.
- 23.45 «Тунитгиз оуда бўсин».

БИРИНЧИ

- 4.00 Телеканал «Доброє утро».
- 8.00 11.00 Новости
- 8.05 Телеканал «Доброє утро».
- Продолжение.
- 8.30 «Малловч».
- 9.30 «Контрольная закупка».
- 10.00 «Агент национальной безопасности».
- 11.15 «Модный приговор».
- 12.25 «Детективи».
- 13.00 Другие новости
- 13.25 «Фабрика звезд» дома».
- 14.00 Новости (с субтитрами)
- 14.15 «Понять. Простить».
- 14.50 «Лопата. Без комментариев».
- 15.55 «Федеральный съезд».
- 17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 17.15 «Пусть говорят».
- 18.00 «Тысячи лезв».
- 18.55 «Поле чудес».
- 20.00 2.00 Время
- 20.25 Фильм Фелора Бондарчука «9 рота».
- 22.50 Комедия «Прохитатели жизни».
- 0.35 Х/ф «Спартак».
- 2.25 Фильм «Спартак». Продолжение.
- 4.15 «Таблетка молодости».
- Док.фильм.

РОССИЯ

- 04.00 «Доброє утро, Россия!».
- 07.01 «Мой сериальный шар».
- Тройкой и его дети.
- 07.55 «Муеуалман».
- 08.05 Т/с «Й сайшо».
- 09.45 «Вести. Делурия части».
- 10.00,13.00,16.00,19.00 «Вести».
- 10.30,12.40,18.40 «Местное время. Вести - Москва».
- 10.50 «Валетини уми».
- 11.20 «Игра коображения».
- 11.50 М/ф: «Верните Рекса».
- «Волшебное кольцо», «Дерева».
- 13.10 Т/с «Свой команд».
- 13.40 Т/с «Милчада».
- 14.30 «Суд иста».
- 15.30 «Кулагин и партнеры».
- 16.00 «Местное время. Вести - Москва. область».
- 16.40 Т/с «Амта-хригилте».
- 17.40 Т/с «Держи меня крепче».
- 19.15 «Пятая студия».
- 19.50 «Словесной ночи, малыши».
- 20.00 «Орвуд».
- 22.00 Х/ф «Пенкопчатка».
- 00.20 Х/ф «Долорес Клейборн».
- 03.00 «Дорожный патруль».
- 03.15 Т/с «Закон и порядок».
- 04.00 Канал «Европейское».

НТВ

- 05.00 «Сегодня утром».
- 08.05 «Наше утро».
- 09.00 12.00 15.00 18.00 «Сегодня».
- 20.00 «Илюк 90-е».
- 09.55 Т/с «Таксистка 2».
- 12.25 Т/с «Беженца».
- 13.30 Т/с «Защита Красина».
- 14.30 «Спасатели. Общор».
- 15.30 02.50 «Возвращение Мухомора 2».
- 17.30 19.40 «Чрезвычайное происшествие. Расследование».
- 18.45 «Счастливые везели».
- 20.05 Х/ф «Дикари».
- 22.30 Боевик «Динни - шепной лес».
- 00.30 Х/ф «Батмен возвращается».
- 03.35 Т/с «Центр вселенной».
- 03.55 М/с «Богатынский Ричи».

КУЛЬТУРА

- 05.30 Канал «Европейское».
- 09.30 Х/ф «Хозяйка гостиницы».
- 11.15 «Аллок дериго ремесла».
- 11.25 «Культурная революция».
- 12.20 «Странная музыканта».
- 12.50 Х/ф «Прошание с Петербургом».
- 14.25 А. Платонов «В прекрасном и яростном мире».
- 15.00 М/ф.
- 15.25 «Без мурзи - без говоидка».
- 15.40 Т/с «Новые приключения Лесова».

- 16.00 Д/ф «Ложантан Свифт».
- 16.10 Д/с «Поместие сурикат».
- «Детство кончилиси».
- 16.33 «Не попому, что шарского я роиди».
- 17.00 «Разночтение. Хроника литературной жизни».
- 17.30 «Камертон».
- 18.00 «Сместоительствити».
- 18.50 «Свой взгляд». Спецрепортаж.
- 19.10 «Сфера».
- 19.50 Д/ф «Один день месяца Рамалла».
- 20.05 «Линия жизни».
- 21.00 Заключительный концерт III музыкального фестиваля «Степелдо».
- 23.15 Х/ф «Подруги».
- 00.55 «Музыкальный момент». Ф. Крейслер - С. Рахманинов. Два вальса.
- 01.10 «Сфера».
- 01.50 Д/ф «Пеле Поллферанн. Искусство и улыли».

СТС

- 07.00 Т/с «Школа «Черная дыра».
- 07.30 Х/ф «Богдан и Лобутыри».
- 07.55 М/с «Семьяриши».
- 08.00 18.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 08.50 20.00 Т/с «Панина дочка».
- 09.00 21.00 Т/с «Калестин».
- 10.00 20.30 История в деталях
- 10.30 19.00 Т/с «Школа № 1».
- 11.30 Т/с «Тринадцателетие».
- 12.30 Т/с «Бескомпромисс свидетель».
- 13.30 «Кино в деталях».
- 14.30 М/с.
- 17.00 Т/с «Ганствителный портал».
- 17.30 «Галдило».
- 22.00 «Эволюк».
- 23.00 Х/ф «Убиги Билла».
- 01.15 Х/ф «Надлина».
- 02.50 Х/ф «Большой человек».

ТВ3

- 07.00 Победоносный галос.
- 07.30 М/ф.
- 08.15 «Тархан-робот», 20 с.
- 08.45 «Ферма чудиди», 20 с.
- 09.15 «Получеие войскок», 7 с.
- 09.30 М/ф.
- 10.00 Медицинское образование.
- 10.30 Свет и тень.
- 11.30 17.30 УП-ПС
- 11.30 Т/с «Звездные врата», 18 с.
- 12.10 18.30 Успеня за 23 минуты.
- 13.00 19.00 Х/ф «Решити судьбуи».
- 14.00 21.00 Тайны.
- 15.00 20.00 Т/с «Говорящая с призраками», 3-10 с.
- 16.00 Т/с «Мурашки», 20 с.
- 16.30 Т/с «Звездные врата», 14 с.
- 22.00 Т/с «Повтажная комитат», 5-6 с.
- 00.00 02.30 Т/с «Бейки из скелета», 29-30 с.
- 00.30 Х/ф «Дом страха».

ТНТ

- 04.45 Теленовелла «Любови и тайни Сансет Бич».
- 05.30 Такси.
- 05.55 «Глобальные новости».
- 06.00 Утро.
- 07.30 Утро.
- 09.00,17.00 Т/с «Счастливи везели».
- 10.00 М/с.
- 12.30 Такси.
- 13.00 «Кузиарный дозор».
- 13.30 Т/с «Саша + Маша».
- 14.00,20.00,00.00,03.25 «Дом 2».
- 15.00 Комедия «Лоботрикса».
- 18.00 Такси.
- 18.30 Москва: инструкция по применению.
- 19.00 «Итнгушн».
- 21.00 «Комеди Клуб».
- 22.00 Т/с «Наша Россия».
- 22.25 «Смы без правли».
- 23.30 Секс с А. Чезовой.
- 00.45 «Необычнои, но факт».
- 01.40 Комедия «В тунике».
- 04.15 Везам против карюкка.

MULOHAZA

XXI asr ҳаётимизга “Ахборот олами” деб аталмиш янги даврни олиб кирди. Кундалик ҳаётимизни ахборот оламисиз тасаввур қилиш қийин. У олис манзилларни яқинлаштиради, оралик масофаларни қисқартиради, инсоният тарихида эришилган барча билимлардан бемалол фойдаланиш учун имконият яратди. Киберолам маълумотлари билан компьютер ва интернет воситасида дунёнинг барча бурчакларидан туриб бир зумда боғланиш ва мулоқот қилиш мумкин.

Интернетга уланган бўлсангиз...



Агар биринчи яратилган ЭХМ-лардан биттасини жойлаштириш учун камида 20 кв. метрли хона керак бўлган бўлса, ҳозирги компьютерлар ҳатто кафетингизга жойлашиши мумкин.

компьютер эгалари ўз компьютерларини бутун жаҳонга тарқалган ўргимчак тўридек ўзаро бирлаштириб “Интернет” ташкил қилганларки, бу тўрдан дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан туриб ҳар нарса ҳақида ва ҳар қанча маълумот олиш мумкин. Бундай киберфазонинг хотираси 100 миллиондан ортқ шахсий ва профессионал ЭХМлар хотирасини бирлаштириб турибди.

Ҳозир Куръоннинг ноёб қўлёзма нусхалари билан танишиш учун Маккага, Ҳазрат Навоийнинг асл қўлёзмалари билан танишиш учун Лондонга, жаҳон санъат дурдоналари билан танишиш учун Луврга ёки Эрмитажга, Тутанхамон мумийсини кўриш учун Қоҳирага, ружъдаги дарахтни кўриш учун Сиднейга бориш шарт эмас. Бунинг учун шахсий компютерингизни интернетга уласангиз қифоя.

Илм-фан, дин, адабиёт, санъат, спорт, қўйингки, инсон қизиқиши мумкин бўлган барча-барча соҳаларда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги хилма-хил маълумотларни ўз хонангиздан ташқарига чиқмай туриб экранда кўриб турсангиз, дўст-ёронларингиз ёки қариндош-уруғларингиз узоқ мамлакатларда бўлса, улар билан суҳбат чоғида нафақат овозларини эшитиб, балки улар дийдорини кўриб турсангиз, ахир бу асрлар оша инсоният орзу қилган, интилиб келган ва ниҳоят, ушалган орзу эмасми?!

Шундай экан, нима сабабдан компьютер ва интернетдан норозилар сони ҳам ошиб бормоқда? У норозилар кимлар? Улар болам эртаю кеч компьютер ўйин-хонасидан чиқмайди, топган пулини ўшанга сарфлапти, дейётган оналар, болалар миясини мулқлаш ишлатмай қўйди, беш карра бешни ҳам калкуляторда ҳисоблайди, дейётган ўқитувчилар, интернет миллийлигимизга тўғри келмайди, унда очикдан-очик зуравонликни, бузуқликни тарғиб қилувчи саҳифалар тўлиб ётибди, дейётган айрим маънавий ходимлари ва

бошқалар бўлиши мумкин.

Албатта, уларнинг гапларида ҳам жон бор ва ташвишлари ўрилли.

Ҳақиқатан ҳам интернетда ниҳоятда зарур бўлган маълумотлардан ташқари, миллий маданияти-мизга тўғри келмайдиган саҳифалар ҳам тўлиб ётибди.

Халқимиз, нур борки, соя бор, деб бежиз айтмаган. Ҳар қандай янгилик каби интернет ҳам ҳаётимизга осонликча кириб келмади. Кино, айниқса, телевидение тарихини бир эслаб кўрайлик. Яшилликка ундовчи, элига, юртига садоқат, ёрига муҳаббатни қуйловчи филмлар билан бир қаторда қанчадан-қанча ҳаётимизга мулқоқ зид бўлган филмлар, зуравонликни, бузуқликни очикдан-очик кўрсатувчи видеокассеталар бор. Шунга қарамай ҳаётимизни кино, телевидение-сиз тасаввур ҳам эта олмаймиз. Ҳозир телевизор булмаган хонадонни тополмайсиз, аксарият хонадонларда икки-учтадан телевизор, видеомагнитофон.

Ҳар бир ота-она хонадонига телевизор ўрнатар экан, видеомагнитофон кўяр экан, фарзандлари қандай кўрсатувларни томоша қилаяпти, қайси филмларни кўрапти, албатта назорат қилиб бориши, йўл-йўриқ кўрсатиши зарур.

Интернет ҳам худди шундай, ҳар бир хонадон интернетга уланар экан, ундан нима мақсадларга фойдаланмоқчи, фарзандлари қайси саҳифаларни очмоқда, ота-она ҳаммасидан хабардор бўлиб туриши ва фарзандларига тўғри йўл кўрсатиши керак. Демак, интернетсиз келажагимизни тасаввур қилиб бўлмас экан, фарзандларимизни компьютер ва интернетдан тўғри фойдаланишга ўргатиш, уларни замонамизга яраша маънавий бой инсонлар қилиб тарбиялаш биз ота-оналар, ўқитувчилар, маънавий-маърифий ишлар бўйича маҳалла маслаҳатчилари, қўйингки, барчамизнинг вазифамиздир.

Мукаррам МУҲИТДИНОВА,
мехнат фохриyasi

ALOQA OLAMIDA

.UZning 5 000-ДОМЕНИ

Ўзбекистон миллий домени .UZ таркибидаги домен номлари сони 5000тага етди. Йил бошидан фаол доменлар сони ўсиши 1400тани ёки 39 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, жорий йилда 2048 янги домен рўйхатга олинган бўлса, 647таси рўйхатдан чиқарилган.

Ўзбекистонда айни пайтда олтита расмий рўйхатга олувчи бор: Tomas, BCC, Sarkor Telecom, Global Study, TV-Infoform va Arsenal-D.

GOOGLEга 10 йил


Ўн йил илгари, яъни 1997 йилнинг 15 сентябрида Стэнфорд университети талабалари — Сергей Брин ва Ларри Пейж ўзларининг google.com домен номларини рўйхатдан ўтказишган эди.

Google савдо белгиси 1 ва 100та нулдан ташкил топган математик атама — “googol”дан келиб чиққан.

Бу ном интернет-қидирув тизими томонидан ишланган улкан ахборот ҳажмига ишора эди.

2007 йилнинг июл ойи маълумотларига кўра, Google жаҳон интернет-қидирув бозорининг 49,5 фоизини назорат қилмоқда. Утган чорада компания 925 миллион доллар соф фойда олган. 14 минг ходим ишловчи компания эгалари — Брин ва Пейж сайёрамизнинг энг бой (ҳар бирининг ҳисобида 16 миллиард доллар бор) кишилари рўйхатига киритилган.

КАБЕЛ ТВ РЕКОРДИ



Cisco ва UPC Broadband компаниялари хонадонлар учун кабел ТВда маълумот узатиш тезлигини ошириб, янги жаҳон рекорди ўрнатди: UPSнинг Амстердамда ўрнатилган кабел телевизион тармоғи 120

Мбит/сония тезликни кўрсатди. Ўзбекистон томони, фақат оптик толага хос бўлган бу тезлик EuroDccsis 3.0 (ED 3.0) ва M-CMTS технологияларини амалдаги оператор тармоғининг гибрид оптик-коаксиал кабелларида қўллаш орқали қайд этилди.

Бу натижа кабел ТВ тармоқлари 200 Мбит/сония ва ундан ҳам юқори тезликка эришиши мумкинлигини кўрсатади.

16 ЁШГАЧА МУМКИН ЭМАС

Хиндистоннинг Карнатака штати ҳукумати томонидан чиқарилган янги қарор ўсмирларни беҳад ранжитган бўлса ажабмас. Энди бу ерда 16 ёшга тўлмаганларга мобил телефонлар сойтиш қатъиян ман этилди. Бундан ташқари, мактаб ва коллежларда ҳам қўл телефонлардан фойдаланиш тақиқланди. Маҳаллий амалдорлар Ўш авлодининг соғлом вояга етиши ҳақида қайғураётган экан, бунга тасанно айтиш керак. Дарвоқе, штат таълим вазири ушбу қарорга риоя қилинмаганлик учун жавобгарлик тўлиқ мактаблар ва ота-оналар зиммасига юклатилишини эълон қилган.



ЗАРАРЛИ WEB-САЙТЛАР



Бу борада энг хавфли ва зият Хитойда кузатишган — зарарли web-сайтларнинг 44,8 фоиз ушбу давлатда жойлашган. Зарарли сайтларнинг 20,8 фоизи АҚШга қарашли сайтлардир. Учинчи ва тўртинчи ўринларда Россия (11,3 фоиз) ва Украина (7,7 фоиз), кейинги ўринларда Польша, Германия, Нидерландия, Италия, Канада, Буюк Британия

сайтлари жойлашган. Энг оммавий web-ҳужум усули IFrame (47,8 фоиз) дир. Анъанавийлик бўйича иккинчи ўринда JavaScript юкланмавлари (17,7), учинчи ўринда эса троян дастурлари туради.

Фармонбиби кутубхонада

Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида "Ўзбекистон", "Ғалаба" маҳаллалари ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Навоий шаҳар бўлими билан ҳамкорликда тадбир ўтказилди. Унда марказ ходимлари, партия фаоллари, маҳалла маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва турли ёшдаги китобхонлар иштирок этишди.

Дастлаб кутубхоначи қизларнинг "Мустақиллик зарварақлари" номли чиқиши истиклол йилларидаги улкан ўзгаришларни, чексиз имкониятларни ўзида акс эттирганлиги тadbирга кўтаринкилик бағишлади. Шундан сўнг "Библиография" бўлими томонидан тайёрланган "Билмидонлар беллашуви"га навбат берилди. Унда ўн нафар китобхон "Қалдирғоч" ва "Зукколар" гуруҳларига бўлиниб, билимдонликда, зуқколикда, китобсеварликда ўзаро беллашди. Беллашувда голиблик "Қалдирғоч" гуруҳига насиб этди.

Сўнгра тадбирнинг энг қизиқарли дамлари бошланди. Кутубхонага Фармонбиби кириб келди. Мазкур саҳна кўринишини тайёрлашда устоз кутубхоначилар — М.Фафурова, Ж.Бобомуродова, Х.Хўжамовалар фаол иштирок этдилар.

Мушоирада эса "Дўстлик байроғи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари, шоира Салима Умарованинг шеърлари тингланди. Жажжи китобхонларнинг бадий чиқишлари ҳам тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

— Мазкур зиё масканидаги ҳар бир тадбирнинг шундай қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда ташкил этилишида марказ ходимлари Р.Хусенова, М.Егенова, Ш.Бақоева, Х.Нарзиева ва Н.Барноқулваларнинг муносиб хиссаси бор, — дейди Ахборот-кутубхона маркази директори Роҳила Норматова.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

ТО'УХАТ

Умр дафтари

«ЎЗИ-Қарши» филиали «Алкател S-12» станцияси муҳандиси Бобомурод Хуррамовнинг алоқа соҳасида фаолият бошлаганига чорак аср бўлди. Унинг илк меҳнат жамоаси ҳам, ишонаси ҳам шу ер ҳисобланади. Меҳнат дафтарчасида ҳам битта ёзув. Фақат куйидан юқорига ўсишлар.

Бобомурод Хуррамов 1957 йилда Косон туманининг Бўлмас қишлоғида таваллуд топган. Ўқувчилик йиллари техника фанларида қизиқиши катта эди. Радио ва телевизорларни мустақил тузата олди. Шу қизиқиш уни институтга етаклади. 1982 йили Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаб, Қарши шаҳар телефон станциясининг телеграф бўлимида муҳандис сифатида фаолият кўрсата бошлади. Катта муҳандис, цех бошлиғи лавозимларида йигирма йилдан ортиқ ишлади.

— Вилоят алоқа ишлаб чиқариш корхонасига энди ишга келган кезларимда Усмон Хушвақтов, Самад Каримов, Умид Воҳидов сингари соҳанинг етуқ мутахассислари менга устозлик қилишган, — дейди Бобомурод ака. — Бугун эса Фахриддин Холмуродов, Абдуқаҳҳор Дўстқобиллов, Одил Рузиевлар мени устоз, деяр эътироф этишадиганларидан гоят миннатдорам.


Михозлардан қабул қилинган бюромалари манзилларида вақтида етказиб бериш нақадар масъулиятли эканлигини телеграф цехи ходимларигина чуқур англайдилар. Техник нуқсонлар сабаб узатишда кечиктирилган бўлса, масъулият янада ошади. Станцияимиз Германия ва Словенияда ишлаб чиқарилган техникалар билан жиҳозланган. Замонавий усқуналар билан ишлаш дастлаб осон бўлмади. Махсус курсда ўқидим, тажрибали мутахассисларимиз кўмағида ишлаш механизминини ўзлаштириб олдим.

Бобомурод ака оиласида алоқачи касбини ардоқловчиларнинг борлиги қувончли. Угли Хуршид ота йўлидан бормоқда. Турмуш ўртоғи Фароғат она ҳам 15 йил электромонтёр бўлиб ишлаган. Оилада спортнинг ўрни ўзгача. Бобомурод ака икки марта республика алоқа ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақада спортнинг стол тенниси турини буйича катнашиб, голиб бўлган бўлса, Фароғат она шашка буйича пешқадамлик қилган.

— Бобомурод ака камтарлиги билан ажралиб туради, — дейди «Алкател S-12» станцияси етакчи муҳандиси Абдуқаҳҳор Дўстқобиллов. — Мен ҳам фаолиятимни телеграф цехидан бошлаганман. Бобомурод ака менга ҳам устоз бўлган. Корхонамизда у кишининг ўз ўрни бор. «Ўзбектелеком Интернейшнл» Ўзбекистонда Индонезия кўшма корхонаси маъмурияти Бобомурод Хуррамовни Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиғи ҳамда ҳозирги ривожланишдаги муносиб хиссасини эътиборга олиб, «Фахрий ёрлик» билан тақдирлади. Бир сўз билан айтганда, касбга бўлган меҳр-содоқат Бобомурод акани жамоадoshлари орасида обрўсини оширди.

Узининг кутлуг ва муборак 50 ёшини қарши олган Бобомурод аканинг қувонч ва шодлиқлари бир жаҳон. У янада гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарь вилоятидаги мухбири



ХАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

Лицензияланган таълим ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Бизнинг мақсадимиз — давр талабидаги сифатли кадрлар тайёрлаш!
«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

«ЭФФЕКТ - МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёт билан замонавий мутахассислар тайёрловчи куйидаги интенсив ўқув бўлимларига тақдим қилади:

I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:

- (малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
- **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (нолдан балансга, компьютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).
- **1С бухгалтерия программаси** — 1 ой, тезкор — 8 кун, 60 минг сўм. Яқка тартибда.
- **1С бухгалтерия программасини ўрнатish хизмати** — шартнома асосида.
- **Ўрта ва кичик бизнес раҳбари** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, бошқарув тактикаси).
- **Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия)** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм.
- **Кадрлар иши** — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).
- **Секретарь-референт** — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм, (компьютер, Internet, иш юришти тактикаси).

II. Компьютер технологиялари бўлими:

- (фақат яқка тартибда)
- **Компьютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тулик курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун, 15 минг сўм.
- **Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AUTO CAD, FlashMX, PageMaker** (видеомонтаж) AdobePremier дастури. 1 ой. 35 — 50 минг сўмдан.
- **WEB сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатish** — 1 ой, 40 минг сўм.
- **Компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** — 1 ой, 40 минг сўм.
- **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6, DELPHI)** — 3 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.
- **SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** — 2 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.
- **Уяли телефонни таъмирлаш** — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Программаларни ўрнатish, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музика, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва ксерокс хизматлари.**

III. Тилларни мукамал ўрганиш бўлими:

- (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- **Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз.** Барча йўналишлар буйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом берилди.
- **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. Ётоқхона — 1 ойга 25000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Қозоғистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115)

Келиш йўли: метронинг Минор, автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри бекати.

Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

30 хилдан ортиқ
касб-хўнара!!!

Лицензия № АСУЗ 00192200Т0002-05

● ASKARLAR QALAM OLSA...

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида қўлга киритилаётган ютуқларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси алоқачи ҳарбийларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ҳарбий қисмда аскарларнинг жисмоний ва маънавий баркамол инсон бўлиб етишишлари, ватанпарварлик фазилатларини юксалтириш йўлида катта куч сарфланяпти. Албатта, булар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Аскарлар қалбидаги Ватан, миллат, ота-она, юртга садоқат тушунчаларига ҳавас қилса арзийди. Буларни улар томонидан ёзилган шеърлардан ҳам билса бўлади.

Биз қалбиди жўш урган туйғуларни қоғозга туширган аскар ўғлонлар машқларини эътиборингизга ҳавола этарканмиз, бу қаламкашларга омадлар тилаб қоламиз.

Ватан

Ватан деган азиз ном қадрига етмоқ керак, Қадрига етмоқ учун кўздек асрамоқ керак. Отамиздек дуоғўй, онамиздек меҳрибон, Дунё тургунча турсин, она юрт — Ўзбекистон!

Д.БОЙМИРЗАЕВ,
оддий аскар

Онажон

Ёзилганда дастурхон, келтирганда ошу нон, Мени соғиниб асло хафа бўлмаг онажон. Бир кун кулиб борарман, дийдоримга тўясиз. Мен ёқтирган сулувга уйлантириб кўясиз.

Ҳалим ХУДОЯРОВ,
оддий аскар

Келажаги
буюк юрт

Амударё — Сирдарё орасида бир макон, У мустақил бўлганда тан олди бутун жаҳон. Бағрида ўстирди у Тумарису Широқни, Ҳиндга кетиб Бобури чекди роса фироқни.

Спитамен ўғлони Искандарни титратди, Пахлаван Манғуберди Чингизхонни йиглатди. Муқаннаю Куброси садоқатини кўрсатди, Темурбек Соҳибқирон адолатни ўрнатди.

...Ҳеч кимдан кам бўлмаган, мағрур ўзбек элдир бу, Топгани ўзиники, ўзига бек элдир бу, Онадайин меҳрибон, фарзанд каби суюқ юрт, Ўтмиши зафарга бой, келажаги буюк юрт!

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
оддий аскар



● TURMUSH SABOQLARI

Шафоат буви Равшан-ой билан хайрлашиб энди келган эди, дарвоза кўнгириги жиринглади. Буви кўшнисини кузата туриб, узоқроқ туриб қолгани учун анчадан бери оғриётган оёқлари янада кўпроқ безовта қила бошлагани сабаб, яна дарвозага бориш малол келди, шекилли, невараси Мухлисага:

— Болам, дарвозани очиб қара-чи, ким келди экан, — дея инқиллаб жойига ўтирди.

Дарвоза томон чопқиллаб кетган неваруа у ерда бироз қолиб, бувисининг олдига қайтиб келди ва индамай дарсини давом эттирди.

— Ҳа, оппогим, ким экан?
— Э, бир чопон кийган чол садақа сўраб келибди. Ануви куни бошқа бир чол келувди, ойим пул бериб жўнатдилар, яна...

Шафоат бувининг ранги оқарди:

— Нима дединг у кишига?
— Уйда катталар йўқ, мен ҳеч нима бера олмайман, дедим.

— Ҳа, боласи тушмағур-а, бор орқаларидан югур, чақир уларни тез.

Мухлиса бобони чақириб келганида, буви бир патнис ширинликлар билан кутиб турарди дарвоза олдида. Бобо Шафоат буви берган нарсаларни олиб, узок дуо қилди. Хонадонга кут-барақа, у ерда ашвовчиларга узок умр тилади. Бобонинг астойдил дуоларини эшитган неваруа галати бир аллозда қизариб ерга қараб турарди. Шафоат буви уйга қайтиб киргач, неварасини ёнига чақирди.

— Эшиқдан нарса сўраб келган одамни, у гадоми, кўни-кўшними, таниш-билишни куруқ қайтариш яхши эмас, — деди буви койганнамо. — Сенга бир ривоят айтиб бераман,

...Қадимда бир қишлоқда бедаво дардга йўлиққан уч киши истиқомат қилар экан. Уларнинг бири туғма кўр, иккинчиси шол, учинчиси эса мохов касаллигига йўлиққан, шу сабаб одамлардан йироқда бир ўзи яшар экан.

Бир куни Аллоҳ уларни синаб кўриш мақсадида олдиларига ўз фариштасини жўнатибди. Фаришта уларнинг олдида бирма-бир

борибди ва Яраттувчи зот уларнинг дардига шифо, хонадонига барақа юборганини айтиб, бир косадан сув ичирибди. Улар сувни ичгач, соғлом, чиройли ҳолатга келишибди. Фаришта уларнинг бирига қўй, иккинчисига туя, учинчисига эса уруғ ташлаб кетибди. Аллоҳ берган барақа туфайли учовлон ниҳоятда бойиб кетишибди. Бола-чақа

қилишингни сўрайман. Еярга ноним йўқ.

— Э, йўқол. Шу афти-ангоринг билан нимага келдинг бу ерга? Боламнинг ўтакасини ёриб юборай дединг-ку. Яна келсанг, оқсоқ оёғингни ҳам уриб синдираман!

У эшикни тарақлатиб ёпиб, уйига кириб кетибди.

Фаришта энди собиқ моховнинг уйига йўл олибди. Даладан ҳориб-чарчаб келган

СИНОВ

орттириб, фаровон, тўқ яшай бошлашибди. Ана шундай кунларнинг бирида фаришта яна ерга тушибди. Гадо қиёфасида илгари кўр бўлган одамнинг уйига келган кўзи ожиз кампир оҳиста дарвозани сўяниб турган кампирни кўриб энсаси қотибди.

— Болажоним, икки кундан бери очман. Сенга соғлиқ, барақа берган Аллоҳ йўлида хайр қилиб, қорнимни тўйдирсанг...

Хонадон эгасининг эса жаҳли чиқибди.

— Мен ҳар бир сўм пулимни пешона терим эвазига, меҳнат қилиб топганман. Шу туфайли тежамкорликка ўрганганман. Ортиқча сарф-харажат менга ёт. Бошқа бирорта хонадонга борақол, — деди.

Кампир, ҳа майли болам, ўзинг биласан, дея маҳзун қиёфада уйдан узоқлашибди. Фаришта энди оқсоқ қиёфасида оёқларини судраб босиб собиқ шол одамнинг уйига борибди ва эшикни тақиллатибди. Ҳассасига сўяниб зўрға турган соч-соқоли ўсиб кетган гадони кўриб, эшикни очган бола кўрқиб кетибди ва отасининг олдида югуриб борибди. Суюкли ўғлининг оқарган рангини кўрган ота ўрнидан шаҳд туриб, дарвозага борибди.

— Сенга соғлиқ, барақа берган Аллоҳ йўлида хайр

уй эгаси юз-қўлларини латта-бутталар билан ўраб олган гадони кўриб, эшик олдида борибди ва нима юмуш билан келганини сўрабди.

— Уйингга шу ҳолатда келганим учун маъзур тутишингни сўрайман, — деди гадо. — Анча бўлди, мохов касалига йўлиққанман.

Одамлар мени кўрса, қувиб ҳайдайдилар. Оч қолганимдан мажбур бўлиб келдим. Сенга соғлиқ, барақа берган Аллоҳ йўлида хайр-саховат қилишингни сўрайман.

Бу сўзларни эшитган уй эгасининг кўзларига ёш қўйилиб келибди.

— Марҳамат, марҳамат, ичкарига қиринг. Хонадонимнинг тўри сизники, — деди у. — Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳим йўлида нафақат молим, жонимни ҳам садақа қилишга тайёрман. Унинг раҳм-шафқати, марҳамати туфайли эришганман ҳамма нарсага. Нима керак бўлса, марҳамат, олинг.

Гадо бир дона нон олиб, дуо қилиб чиқиб кетибди.

Шундан сўнг Аллоҳ бу хонадонга ўз баракасини янада мўл қилиб берибди. Собиқ кўр ва шол одамлар аввалги қиёфаларига қайтибдилар.

Ҳикояни тинглаган Мухлиса бувисининг пинжига сўқилиброқ ўтирди ва унинг қўлларини оҳиста силай бошлади...

Муборак МИРКАМОЛОВА

Табриклаймиз!

“Фаргона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари Бағдод телекоммуникациялар боғламаси телефончиси Салимаҳон ТОШБОЛТАЕВани 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узок умр, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

“Сурхондарё Телеком” филиали Шеробод телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама иқтисодчиси Робия ЧАЛИКОВА ҳамда электромонтёрлар Абдурашид ДОНОБОВ ва Ўткир МЕЙЛИЕВларни тугилган кунлари муносабати билан табриклайди. Уларга сихат-саломатлик, ишларида омад тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси Термиз шаҳар почта алоқаси тармоғи марказий алоқа бўлими бошлиғи Мўътабар САЙДАЛИЕВани тугилган куни билан табриклайди. Унга узок умр, соғлиқ, ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

“ЎзИ-Қарши” филиали жамоаси филиалнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги менежери Тўлаган БЕРДИЕВ, электр таъминот бўлими электромонтёри Отабек МИРЗАЕВ, 223/00 ЗАТС кросс электромонтёри Нигора КОДИРОВА, ЛАЗ электромеханиги Елена СМИРНОВАларни таваллуд топган кунлари билан самимий муборакбод этиб, уларга узок-умр, тани-сихатлик тилайди.

● O'QING, QIZIQ!

Исм кўйиш ота-оналар учун энг масъулиятли ишлардан бири, десак муболага бўлмас. Аммо ҳамма ҳам бунга у даражада масъулият билан ёндашмайди. Кимдир фарзандига энг антиқа исми кўйгиси келиб қолади, фарзанди унга қайсидир воқеаларни эслатиб туришини истаб исм кўядиганлар ҳам бор.


■ Машҳур рессом Пабло Пикассони танимаган, ҳеч бўлмаганда унинг исмини эшитмаган кишининг ўзи бўлмас керак. Аммо унинг тўлиқ исми ҳақида деярли камдан-кам одам билади.

Пабло Диего Хозе Франциско де Паула Хуан Непомукено Криспин Криспиано де ла Сантисима Тринидад Руиз и Пикассо — мана рассомнинг 93 ҳарфдан иборат исми. Лекин испанияликлар учун бу оддий ҳол ҳисобланади. Чунки испанларда жимжимадор исмлар талайгина.

■ Гавайи оролларида биридаги мактабга ажойиб бир қизалоқ келди. Аммо қизалоқнинг исмини синф журналига тўлиқ ёзишнинг сира илоҳи бўлмади. Чунки қизнинг исми 102 ҳарфдан ташкил топганди. Мана у: Напу-Амо-Хаа-Она-Она-Анека-Вехи-Вехи-Она-Хивеа-Нена-Вава-Кехо-Онка-Кахе-Хеа-Леке-Еа-Она-Ней-Нана-Ниа-Кеко-Оа-Ога-Ван-Ика-Ванао. Ушбу исм ўзбекчада куйидагича жаранглайди: «Водий ва тоғларнинг гуллари Гавайини ўз ифори билан тўйинтиради». Мана сизга исм!

■ Энг узун исмлар ҳақида гапирилса, ҳайратда қоламиз, аммо ундан ҳам ҳайратланарлики хали кўп. АКШнинг Монтана штатилик С.Эллен Жоржина Сер-

ИСМЛАР ИСМЛАР...



Декен 1979 йилда туғилган. Аммо аҳамиятлиси бу эмас. Унинг исмидаги биринчи С. сўзи 598 ҳарфдан иборат. Яқинлари уни оддийгина қилиб Оли деб чақиршади. Аммо аҳолини рўйхатга олувчилар бу исмга дуч келишганда «Худойим-ей, яна шу қиз!» дейишлари тайин.

■ Қисқартма сўзлардан ташкил топган исмлар ҳам талайгина. Шулардан баъзилари: Лоризерик — «Ленин, Октябр Революцияси, Электрофикация, Радиофикация ва (и) Коммунизм»; Урюрвос — «Ура, Юра (в) Космосда!; Кукуцапол — «Кукуруза царица полей», Лагшмивара «Ла-гэр Шмидта в Арктике».

■ Ҳиндистоннинг Орисса штатида истикомат қилувчи баъзи инсонлар бири бири билан бизнинг тилда куйидагича

кўришади: «Салом, Икки кило гуруч» ёки «Салом, Кумуш доллар!». Ҳиндистоннинг бу штатида дунё бўйича энг галати исмлар жамланган, десак адашмаймиз. Икки кило гуруч — бу давлатнинг фарзанд туғилиши муносабати билан оилага қилган эҳсони: у ерда ҳар бир туғилган болага шунча миқдорда суюнчи сифатида гуруч ажратилади.

■ Кандхамала қишлоқларидан бирида «Мен картошкани ёқтираман» деган исм бор.

■ Жон Трейн исм-шарифли рўхшунос галати исмлари билан машҳур ва бундан азият чекаётган америкаликлар ҳақида маълумот йўққан. Шундай оилалардан бири қизларига Му, Ву, Гу деган исмларни раво кўришган.

■ Чикагодаги Жэксонлар оиласи эса бешта боласига: Менингит, Лорингит, Аппендицит, Перитонит, Тонзиллит каби исмларни қўйган.

■ Бундан анча йиллар муқаддам Францияда оддий фамилиядан мосуво оила истикомат қилган. Оддий фамилия ўрнига улар рақамларни — 1792ни «кўтариб» юришга мажбур бўлган. Шу тарзда уларнинг ҳужжатларида Январ 1792, Феврал 1792 каби исм-шарифлар пайдо бўлаверган. Бундай авлоднинг сўнггиси, яъни жаноб Март 1792 1904 йилнинг сентябр ойда вафот этган.

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● Электрон ҳисоблаш машинаси, ЭҲМ, компьютер (ru — машина вычислительная электронная, ЭВМ, компьютер, en — computer) — Асосий элементлари электрон асбоблар бўлиб саналган ҳисоблаш машинаси.

● Модем (ru — модем, en — modem) — 1. Маълумотларни телекоммуникация каналлари бўйича узатилишини таъминлайдиган тури бўлиб, у маълумотлар сигнални қайта ташкил қилиш қурилмаси ҳисобланади.

● Мэйнфрейм (ru — мэйнфрейм, en — mainframe) — Ноёб архитектура ва дастурий таъминотга эга бўлган катта электрон ҳисоблаш машинаси.

● Ҳисоблаш техникасининг объекти, ХТО (ru — объект вычислительной техники, ОБТ, en — computing machinery object) — Ахборотларга ишлов беришнинг маълум вазифаларини бажариш учун мўлжалланган ҳисоблаш техникаси воситалари тўпламини ўзида акс эттирувчи стационар ёки ҳаракатланувчи объект.

● Порт (ru — порт, en — port) — 1. Ташқи қурилмани микропроцессорнинг ички шинасига улаш нуқтаси; дастур маълумотларни портларга юбориши ёки портлардан олиши мумкин.

2. Туташтириш қурилмаси, унинг ёрдамида марказий процессор ёки ЭҲМнинг тезкор хотираси маълумотларни узатиш мақсадида бошқа қурилмалар билан боғланган бўлиши мумкин.

● Процессор (ru — процессор, en — processor) — Командаларнинг айрим мажмуини аниқ қўллашни таъминловчи функционал қурилма.

● Ресурс (ru — ресурс, en — resource) — 1. Фойдаланувчига ёки жараёнга ажратилиши мумкин бўлган тизимнинг мантикий ёки физик (ҳисмоний) қисми.

2. Ҳисоблаш тизими компонентларидан исталгани ва у орқали имкониятларни тақдим этиши.

200 КИЛОЛИ ҚИЗАЛОҚ

Яқинда ABC телеканали чикаголик 7 ёшли бир қизалоқнинг тасвири туширилган тасмани халқ эътиборига ҳавола этди.



Ушбу қизалоқ айни пайтда 200 кило вазнда экан!

Жессика шу ёш ида бундай

огир вазн билан юролмаё қолибди, ҳатто жойидан ҳам зўрға жилар экан. Қизалоқнинг гапирлиши ҳам қийин, у ҳар бир сўз орасида хансираб қолади.

Онаси уни ҳар куни бир неча килоли овқатлар билан таъминлаб, камида 5 литр газланган сув беради. Шу тарзда қизалоқ бир кун давомида 10 минг киллокалория олади, аслида бу ёшли қизалоқлар бир суткада 1800 ккал овқат истеъмол қилишлари керак.

Парҳез ҳақида эса ҳатто гапирилмаган ҳам, Жессиканинг аҳоли эса кундан-кун ёмонлашиб бормоқда. Онасининг айтишича, қизалоқ 4 ёшида 100 кг вазнда бўлган, айни пайтда эса унинг вазни 222 кг.га яқинлашиб қолибди.

Қизалоқ телевизор орқали намойиш этилгандан сўнг ҳайратланган ота-оналар кўплаб мактуб ёзишди. Улар Жессиканинг аҳолига бефарқ онани жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Маҳаллий ҳокимият бу борада иш олиб бормоқчи.

ХАНДАЛАР

Ўгли дадасидан сўради: — Дада, ўқитувчиларнинг маош олиши тўғрими?

- Ҳа, ўғлим.
- Бу инсофсизлик-ку!
- Нега энди?
- Ахир, уй вазифасини биз ишлаймиз-ку, улар эса маош олишади?!



Талаба севган қизини учрашувга таклиф этди. Улар шаҳар бўйлаб айланаб юриб, бир муҳташам ресторан ёнидан ўтишди.

— Ох, ох, қандай ёқимли хид! — хитоб қилди қиз.

— Сенга ёқдим, жонгинам. Хоҳласанг, бу ердан ҳар куни ўтамиз.



— Ошхонага қирган хўранда манти буюрди. Уни олиб келган официант:

— Ҳисоб-китоб қилиб кўяйлик, — деди.

— Бу қанақаси? Ахир, ҳисоб-китоб охирида қилинмайдими?

— Узр, лекин манти еганлар пулини беришга улгурмаяпти.

Ютқазиб қўйган боксчини устози тинчлантиряпти:

— Иккинчи раундда уни жуда кўрқитиб юбординг.

— Қандай қилиб?

— У сени ўлдириб қўйдим, деб ўйладида!

Хотин эрига:

— Эсингдами, тўққиз ой аввал икки ойга таътил олиб, хонбалик туггани кетган эдинг?

— Ҳа, эсимда.

— Бугун ўша балиқлардан бири кўнгирак қилиб, сени ота бўлганингни маълум қилди.



Шифохонада:

— Дори-дармон, кўрпа-тўшак, чойнак-пиёла олиб келдингизми?

— Ҳа...

— Энди ўзингизни даволайдиган тажрибали шифокор ҳам топиб келинг.



SPARTAKIADA

Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим омил бўлмоқда. Ёши ва касбидан қатъи назар спортга ошно тугинган инсон жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлади. Бу нафақат кишининг ўзи учун, балки у ишлаётган корхона учун ҳам фойдалидир.

АЛОҚАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ҳам ходимлар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ташкил этиб келинмоқда. Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ишлаб чиқилган қатор дастурлар барча ходимларнинг мусобақаларда иштирок этиш имконини бермоқда. Хусусан, корхоналардан бошланган мусобақалар туман, вилоят ва республика босқичларига ўлашиб кетади. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини алоқа соҳаси вакилларининг республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда етакчилар қаторидан жой олишга ётишидан кўриш мумкин. Қолаверса, соҳа спартакиадаси савияси ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Шу йилнинг 12-14 сентябр кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган "Алоқачи" болалар оромгоҳида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган соҳа спартакиадасининг финал босқичи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, кўпкураш ва волейбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Кизгин ва мurosасиз кечган баҳсларда куйидаги натижалар қайд этилди:

ШАХМАТ

Эркаklar ўртасида:

- 1-ўрин. Валижон Қурбонов (Фарғона вилояти).
- 2-ўрин. Рустан Холмуродов (Хоразм вилояти).
- 3-ўрин. Акбар Турсунов (Самарқанд вилояти).

Аёллар ўртасида:

- 1-ўрин. Земфира Мухаммедова (Тошкент шаҳри).
- 2-ўрин. Фарида Умарова (Бухоро вилояти).
- 3-ўрин. Зина Аканова (Қорақалпоғистон Республикаси).

ШАШКА

Эркаklar ўртасида:

- 1-ўрин. Бахтиёр Олимов (Сирдарё вилояти).
- 2-ўрин. Мақсуд Исоқов (Наманган вилояти).
- 3-ўрин. Рўзиқул Шамиев (Самарқанд вилояти).

Аёллар ўртасида:

- 1-ўрин. Сарвиноз Жўраева (Қашқадарё вилояти).
- 2-ўрин. Людмила Назарова (Фарғона вилояти).
- 3-ўрин. Моможон Давлетова (Хоразм вилояти).

СТОЛ ТЕННИСИ

Эркаklar ўртасида:

- 1-ўрин. Олимжон Уролов (Тошкент шаҳри).
- 2-ўрин. Азизжон Найимов (Навоий вилояти).
- 3-ўрин. Марат Кашаев (Самарқанд вилояти).

Аёллар ўртасида:

- 1-ўрин. Елизавета Шаловалова (Тошкент шаҳри).
- 2-ўрин. Гулчеҳра Турсунова (Навоий вилояти).
- 3-ўрин. Сарвиноз Бурхонова (Қашқадарё вилояти).

ВОЛЕЙБОЛ

Аёллар ўртасида:

- 1-ўрин. Тошкент шаҳри.
- 2-ўрин. Қашқадарё вилояти.
- 3-ўрин. Қорақалпоғистон Республикаси.

КЎПКУРАШ

- 1-ўрин. Қорақалпоғистон Республикаси.
- 2-ўрин. Навоий вилояти.
- 3-ўрин. Қашқадарё вилояти.

Якуний натижаларга кўра, Навоий вилояти алоқачилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўринни Тошкент шаҳри, учинчи ўринни эса Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси эгаллади.



Спартакиада доирасида спорт мусобақаларидан ташқари «Алоқачилар истеъдодларга бой» бадий ҳаваскорлик кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Ушбу маданий тадбирда Наманган вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти алоқачилари ғолиб деб топилдилар.

Мусобақаларнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори Р.Қосимов «Матбуот тарқатувчи» АҚ бош директори С.Нажбидинов, «Ўзбектелеком» АҚ бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори А.Абдумўминовлар иштирок этиб, ғолибларга ташкилий кўмитанинг совринларини тақдим этдилар. Ўз ўрнида, иштирокчилар ҳам баҳсларда бор маҳоратларини намойиш этишлари учун барча қулайликларни яратиб берган ташкилотчиларга, беллашувларни одилонга бошқариб борган ҳакамларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғрилик-гита тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

853-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адали: 7930 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.



МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ
АДАБИЁТИМИЗ РИВОЖИГА БЕҚИ-
ЁС ҲИССА ҚЎШГАН ЁЗУВЧИ ВА
ШОИРЛАР ХОТИРАСИНИ
ЭЪЗОЗЛАШГА, ИЖОДИ ВА
АДАБИЙ МЕРОСИНИ АСРАБ-
АВАЙЛАШГА, ЧУҚУР ТАДҚИҚ
ЭТИШ ВА КЕНГ ТАРФИБ
ҚИЛИШГА КАТТА ЭЪТИ-
БОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

АДИБ ХОТИРАСИГА ЭЪТИРОМ

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 8 январда қабул қилинган “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу қарорга биноан, юбилей олдидан адиб уй-музейининг тўлиқ таъмирланиши, асарлари асосида спектакллар ва телекурсаулар яратилгани — барчиси Абдулла Қаҳҳорга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Шунингдек, ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид тадқиқотлар, бир қанча рисола ва илмий тўпламлар чоп қилинди. Ёзувчининг танланган асарлари, Кибриё Қаҳҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас” китоби қайта нашр этилди. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда, корхона ва ташкилотларда адиб ижоди ҳамда ҳаётига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Абдулла Қаҳҳор ижоди истиқлол йилларида юксак қадр топди. Ўзбек миллий адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар қатори Абдулла Қаҳҳор ҳам Юртбошимиз Фармонига биноан “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Яқинда эса Алишер Навоий номидаги Миллий боғда адиб хотирасига юксак эҳтиром рамзи — ҳайкал ўрнатилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанادا ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт мухлислари қатнашишди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Устоз ёзувчи тил ва миллатга, адабиёт ва ижодга бундай эҳтиромни умр бўйи орзу қилиб яшаган эди. Истиқлол шарофати билан сеvimли адибимизнинг армони ушалди.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Адабиёт ҳақида

Адабиёт хунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган куртдан фарқ қилмайди.

Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларнигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

Адабиётда ёлгоннинг катта-кичиги йўқ. Ҳаммаси ҳам баравар зарардир.

Модомики тил адабиётнинг энг биринчи элементи экан, тилни, унинг қонун-қоидаларини, хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилиш адибнинг энг асосий вазифаси бўлиши керак.

Китобхонга бир фикрни ёки бир нарсани аниқлаш учун кишининг бошини қотирмайдиган, очиқ, раво, содда тил керак.

Шеър — кўнгилнинг ойнаси, кўнгилда нима бўлса шу акс этади.

Шеър — маъсум гўдак, риёни билмайди. Риё бўлган ерда шеър йўқ.

Шеър — фикр экстракти бўлиши жиҳатидан ҳикмат, кўнгилга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқариши жиҳатидан мусиқа.

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

“Мустақил Ўзбекистоннинг
давлат мукофотлари” купонли почта
маркалари туркуми. С.ШАРИПОВ дизайни.



384. “Жалолиддин Мангуберди ордени” почта маркаси.



385. “Буюк хизматлари учун” ордени” почта маркаси. 386. “Эл-юрт ҳурмати” ордени” почта маркаси.



387. “1 даражали “Соғлом авлод учун” ордени” почта маркаси.



388. “2 даражали “Соғлом авлод учун” ордени” почта маркаси. 389. “Меҳнат шукрати” ордени” почта маркаси.



390. “Дўстлик” ордени” почта маркаси.



391. “1 даражали “Шон-ша-раф” ордени” почта маркаси. 392. “2 даражали “Шон-ша-раф” ордени” почта маркаси.

Барча маркалар горизонтал жойлашган 3 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақларда 12 марка, 4 купон бор.



InfoCom — 2007 ҳафталиги

Йилнинг энг муҳим воқеалари ўрин олган ушбу ҳафталик мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, қатор АТ-компаниялар, уларнинг вакиллари ҳамда мутахассислар учун янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро таъриба алмашиш имконини беради.